Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№51 (305) 2002-yil 25-dekabr

"Ҳуррият" сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмокда.

Нашр кўрсаткичимиз:

Якка обуначилар учун — 233, ташкилотлар учун — 234.

Ташриф

Украина ҳақида гап кетганда ўзбекистонликлар, албатта, ана шундай иборани ишлатишади. Бунинг ўзига хос асоси бор. Чунки ўтган мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Украина ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Президенти Украинага тўрт маротаба, Украина раҳбари эса юртимизга учинчи маротаба ташриф буюрди.

ДЎСТ МАМЛАКАТ

Мамлакатлар ўртасида турли соҳаларда 130 га яқин икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Ҳамкорлик соҳалари тобора кенгайиб бормоқда... Лекин музокаралар чоғида ҳар икки томон ҳам ҳамкорликнинг айни кунги ҳолатидан қониқмасликларини изҳор қилдилар. Чунки ўтган йили ўзаро савдо-сотиқ ҳажми 400 миллион долларни ташкил этган эди. Бу йил эса ўтган йилгига нисбатан 90 миллион доллар кам бўлиши кутилмоқда. Гарчи мамлакатимизда айни кунда Украина билан элликка яқин қўшма корхона фаолият кўрсатаётган бўлса-да, бу ҳам имконият даражасида эмаслиги қайд этилди. Шу боис мамлакатимиз раҳбари қўшма комиссия таркибини янгилаш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Нега? Чунки Ўзбекистонда Украина учун асқотадиган қанча муҳим воситалар бўлса, Украинада ҳам Ўзбекистонга зарур бўладиган воситалар бундан кам эмас. Лекин мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ана шунинг натижасида савдо-сотиқ ҳажми ҳам пасайиб бормоқда.

Украина Президентининг мамлакатимизга ташрифи чоғида ушбу мамлакатнинг улуғ шоири Тарас Шевченко ҳайкалининг очилиши маросими бўлганлиги ўзига хос рамзий маъного эга. Шу ўринда Украина пойтахти Киев шаҳридаги шоҳкўчалардан бири Алишер Навоий ҳазратларининг номлари билан аталишини ҳам эсламоқ жоиз.

Икки мамлакат делегацияларининг Тошкентдаги учрашувида иккита ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Уларнинг биринчиси, Ўзбекистон Украина ҳукуматлари ўртасида дори-дармонни қайд этишни эътироф этиш, иккинчиси эса ташқи сиёсат маҳкамаларининг ҳамкорлиги ва фаолиятини мувофиқлаштириш борасидадир.

Украина раҳбари, айниқса, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувликка юқори баҳо берди. Зеро, Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Украин миллатига мансуб фуқоролар эса 300 мингтани ташкил этади. Улар учун Ўзбекистон бешик бўлган. Ва улар буни чуқур ҳис қиладилар. Зеро, бу дунёдаги энг олий туйғудир.

Исмат ХУДОЁРОВ

Семинар

Журналист ва ҳуқуқ



Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд вилоят бўлими ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш вилоят бўлими билан ҳамкорликда "Журналист ва ҳуқуқ" мавзусида семинар ўтказди. Семинар Евросиё Фондининг ЎзМММ вилоят бўлимига берилган "Журналистлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" номли гранти доирасида ташкил этилди. Унда туман газеталари муҳаррирлари, журналистлари иштирок этишди.

Икки кунлик семинар ҳамкасбларнинг баҳс-мунозараларига бой бўлди. Жойларда журналистлар ўзаро мулоқотларга муштоқ эканлиги, фикр алмашишга, касб соҳасига оид ҳар қандай янгиликни иштиёқ билан тинглашга тайёрлиги яққол кўриниб турди. Шу боис иштирокчилар семинар кун тартибига киритилган ҳуқуқий мавзу билан чегараланиб қолишмади. Журналистнинг шу кунларга масъулияти ва мажбуриятлари хусусида кўп тортишувлар бўлди. У ўз зиммасидаги вазифасини тўлақонли бажариши учун нималар қилиши лозимлиги хусусида таклифлар киритилди. Таклифларга кейинроқ тўхталамиз. Дастлаб маърузалар ҳақида.

ЎзМММ раиси, "Ҳуррият" газетаси Бош муҳаррири А. Каримов "Журналистнинг ахборотни топиш, қўлга киритиш ва тарқатиш ҳуқуқи", "Моҳият" газетаси муҳаррири Абдуқаюм Йўлдошев "Журналистнинг реклама билан боғлиқ фаолиятининг ҳуқуқий томонлари", СТВ телерадиокомпанияси бош муҳаррири Миршариф Хўжаев "Журналист масъулияти ва мажбуриятлари", ушбу сатрлар муаллифи "Журналист ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ёритилиши" мавзуларида чиқишлар қилишди. ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси вилоят бўлими раиси, "Зарафшон" газетаси Бош муҳаррири Фармон Тошев эса самарқандлик журналистларнинг жамиятда кечаётган янгиланиш жараёнини, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни юқори савияда ёритиб бориш учун нималар қилиши мумкинлиги хусусидаги қарашлари билан ўртоқлашди.

Маърузалар номланишининг ўзиданоқ улар шу кунинг долзарб муаммоларига бағишланганлигини билиб олиш мумкин. Шу сабабдан ҳам маърузачиларга кўплаб саволлар берилди, уларнинг фикрларига турлича муносабат билдирилди. Жумладан, кейинги пайтларда журналистларнинг масъулияти ва мажбурияти ҳақида кўп гапирилиб, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида, ҳуқуқларидан амалда фойдаланиш имкониятлари хусусида камроқ сўз юритилаётгандай қабилидаги фикрлар ҳам айтилди. Энг асосийси, журналистларнинг ўзаро мулоқоти ўта муҳимлиги, кейинги пайтларда онда-сонда ташкил этилаётган учрашувлар мунтазамлик касб этиши зарурлиги таъкидланди.

Ҳуқуқий мавзунинг муҳимлигини инкор этмаган ҳолда касб маҳоратига оид мавзулар атрофида ҳам баҳс-мунозаралар уюштириб турилса, мақсадга мувофиқ бўлишини семинарда иштирок этган барча журналистлар бир овоздан маъқуллашди. Келгусида ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда ЎзМММ вилоят бўлимлари ҳамкорликда касб маҳоратига оид ўқув семинарлари ташкил этиш ҳақидаги таклиф барча иштирокчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Семинар давомида журналист этикаси билан боғлиқ нозик, шу билан бирга долзарб муаммо ҳам муҳокама этилди. Бир журналист танқид қилган корхона ё ташкилот ҳақида нега бошқа журналист мақтовга тўла материал тайёрлайди ёки аксинча. Журналистлар орасида елкадошлик, зарур пайтда бирбирини қўллаб-қувватлаш йўқ ҳисоби. Ана шулар ҳақида фикр билдириб, журналистлар ҳозирча ҳеч бўлмаганда вилоят миқёсида амал қилувчи журналист этикаси кодексини яратиш зарурлигини таъкидлашди. Шунингдек, вилоят журналистларининг йиғилишини ўтказиб, унда 5 ёки 7 кишидан иборат жамоатчилик кенгаши тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бунда хориж тажрибасини инобатга олиш зарурлиги уқтирилди. Кўпгина мамлакатларда газеталарнинг ўзида омбудсман штати бўлишидан ташқари матбуот устидан шикоятлар бўйича комиссия мавжуд. (Масалан, 1991 йилдан бери Матбуот устидан шикоятлар бўйича Британия комиссияси фаолият кўрсатмоқда). Бу билан касбдошларимизда журналистларни назорат қилувчи яна бир ташкилот пайдо бўларкан-да, деган фикр пайдо бўлмаслиги керак. Бу – пастдан чиқувчи ташаббус асосида тузилган, ўз низоми асосида ишлайдиган жамоат ташкилоти бўлади.

"Журналист ва ҳуқуқ" семинарида икки кун ичида билдирилган бошқа таклифлар ҳам ўрганишга лойиқ. Чунки журналистикамизни янада ривожлантириш борасида қуюнчаклик билан билдирилган ҳар қандай фикр таҳсинга сазовор.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ

УШБУ СОНДА:

Яхши ва ёмон журналистика

ҚОРА ЯЛОҚ 2

жарима билан аҳволни ўнглаб бўладими?

Уч аёл қисмати

КАНАДА – МЎЪЖИЗАЛАР ДИЁРИ 3

ИСМЛАР ҚАТИДАГИ ҲИКМАТ

СУБУТ ВА СУБУТСИЗЛИК 4

Қадр

Фахрийлар машварати

Меҳнат фахрийлари — қариялари қадрлаш, уларнинг изза тини жойига қўйиш, йиллар давомида улар тўплаган дур-жавоҳирлар — қимматли тажрибалардан Ватан манфаатлари йўлида фойдаланиш эзгу вазифалардан биридир. Меҳнат фахрийлари — халқимизнинг асл фидойилари, ёш авлоднинг талабчан ҳамда ғамхўр мураббийларидандирлар.

Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Жиззахдаги Маҳалла маркази савдо, матбуот, радио, телевиление ва матбаачилик соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар бир пиёла устида дилдан суҳбат қурдилар.

Тадбирни "Жиззах ҳақиқати", "Джиззакская правда" газеталари Бош муҳаррири, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари С. Сафаров табрик сўзи билан очди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Субҳонқулов ардоқли нуронийларимизнинг Ватан ва халқ ҳаётидаги муносиб ўрни, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдек юксак ватанпарварлик ишига улар қўшаётган бебаҳо ҳисса тўғрисида гапирди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда меҳнат фахрийлари ўзларининг билимлари, бой тажрибалари, оқилу донишмандликларини ишга солиб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб улуш қўшмоқдалар.

Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи таниқли олим Имомқул Ҳамроқулов мустақиллигимизнинг 10 йиллиги шарафига улкан хурмозор боғ барпо этди. Шу туманда яшовчи Иноможон ота Умрзоқов етмиш беш ёшида ҳам бардамлик билан йирик деҳқон-фермер хўжалигига раҳбарлик қилмоқда. Иқтидорли публицист ва ёзувчи Ўктам Жавлоновни вилоятнинг бутун ижод аҳли талабчан ва меҳрибон мураббий сифатида ардоқлашади. Мирзачўллик қалам соҳиби, кекса журналист, қозоқ фарзанди Дониёр Мадиёров эса ўзининг бутун умрини ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга сарфлаб келаётган инсон.

Анжуман иштирокчилари Юртбошимиз ташаббуси билан бошланаётган "Обод маҳалла йили"да ҳам янада жонбозлик кўрсатиб, ёшларга бош-қош бўлишларини алоҳида таъкидлашди.

Абдулла АҲМАД,
"Жиззах ҳақиқати",
"Джиззакская правда"
газеталари Бош муҳаррирининг ўринбосари

Ол-а!

МУМКИН ЭМАС!

Комедия жанридаги ажойиб фильм бор-да! Бир тўда йигит-қиз ўйин-кулги қилмоқчи бўлишади. Бир киши эса тиш-тирноғи билан тўсқинлик қилади: "Мумкин эмас!" Ёшлар роса ялиниб-ёлворадилар. Жавоб яна ўша: "Мумкин эмас!" "Ахир, сиз ҳам ёш бўлгансиз-ку", дейишади йигит-қизлар унга. "Йўқ, — дейди ҳалиги киши, — мен ёш бўлган эмасман!.."

Мумкин эмас. Ўнтагина ҳарфдан иборат бўлган ушбу калом, ўйлаб кўрилса, кўп нарсага нуқта қўяркан. Таъбир жоиз бўлса, ошкораликка, очиқ-ойдинликка. Юрагинг бошқача гапиради-ю, сен ўзинг ўзгача сўйлайсан. Бу сўзни ҳар турда айлантирсанг бўлади. Масалан, "эҳтиёткорлик", "бало-қазоларнинг олдини олиш" каби жумлалар билан пардалашингиз мумкин.

Қўлимга қалам оламан-у ўйланиб қоламан: "Тўхта, бу мавзу ҳақида ёзиш мумкинми ўзи? Эртага бошим балоларга гирифтор бўлмасин тағин! Қаламни ишлатсанг, ёзиб ташлайверади-да! Эртага эса сен балога қоласан".

Бир ҳамкасбим шивирлайди:

– Америка ҳақида ёмон гапларни ёзма, ҳозир муносабатларимиз яхши.

– Нима учун? – дейман оғзимни ланг очиб. — Американинг ўзида шундай ёзса бўлади-ку!

– Энди-и, — дея ўсмоқчилайди, шуниям билмайсанми, дегандай, — Америка – Америка! Уларга етиб олгунча," э-ҳе!

Тўғри, дейман ўзимча, уларга етиб олгунча буёғини ўзбекчасига таъбирлайман, қанча қовун пишиғи бор. Раҳматли Ҳамид Олимжон ҳам ёзган эканда: "Нима бизга, Америка!" деб. Хуллас, мумкин эмас. Америка журналистлари биздан дадил чиқиш кутиб юраверсин. Биз, баъзиларимиз эса ўзимизча "бу қалтис мавзу", деяверайлик. Иккинчи ҳамкасбим қошини чимириб гапиради:

– Ё з и ш қўлимдан келади, деб ёзаверяркансан-да?! Ҳозирги замонда ҳам тиланчилар ҳақида бериб бўларканми?

– Мен буни "проблемний" қилиб ёздим, — ўзимни оқлашга уринаман. — Ижтимоий...

— Ўша тиланчиларнинг пенсия, нафақасини "оформлять" қилганми, шуни суриштирдингми? Гирт ишёқмас улар! "Мумкин эмас" нарсаларни ёзма-да!

– Э, қизиқ экансан-ку, – бир парда овозимни кўтараман. – Бизда ҳозир ёзганингни назорат қиладиган ташкилот йўқ.

– Ким бор деди сенга? – шаштидан тушади ҳамкасбим. – Йўқ. Лекин бу, хоҳлаганингни ёз дегани эмас. Эртага оёғинг осмондан бўлса кўрасан, "оч қорним, тинч қулоғим", деб юравермайсанми?

Тавба, ҳайрон бўламан. Ўзи ҳадиксирагани етмагандай менга ҳам юқтирмоқчи бўлади-е! Қаёқдаги гапларни гапиради.

Ёзавераман. Бирор кимса нима учун мана буни ёздинг, деб сўраса, шахсан менга ҳеч ким, "бу ҳақда ёзиш мумкин эмас", деб айтмаган, дейман. "Шу ҳақда огоҳлантириб, қоғоз ҳам юбормаган", дейман. Энг тўғри йўл шу эҳтиёткор, синчков одам учун.

– Шерали ҳақида берибсизлар, – дейди учинчи одам. – Ҳеч ким индамадими?

– Ким индаши керак? Билмадим. Мумкин эмас эди, шекилли?!

– Ҳеч ким гапирмади. Энди сизлар ҳам бераверинглар...

Юқори ташкилотдан бирига қўнғироқ қиламан:

– Тақсир, шу десангиз, долзарб мавзуда битта мақола қилмоқчи эдик. Баъзи рақамларни олсак бўладими сизлардан?

– Бўлади-бўлади. Матбуотга эшигимиз очиқ (ҳеч ким оғизда ёпиқ демайди) Эшматов (ёки Тошматов) деган ходимимиз топиб, сизга ўзи телефон қилади.

Ана, урди Худо! Ходимга бердими, мақоланинг уйи қуйди, деяверинг. Қалтираб, қўрқиб-писиб, чўзиб юраверади:

– Ие, ока, сал шошмай туринг, бошқармадагиларга кўрсатай. Тўхтанг, "сопроводительний" хат қилганмисизлар?

– Ҳа, барака топкур!

– Регистрациядан ўтганмикан? Ҳозир бошлиқлар йиғилишга кириб кетган, чиқса, кўрсатиб, кейин сизларга берармиз. Соат етти-саккизларга чиқишса керак, бўладими! – дейди дадиллигини кўрсатиб.

– Эҳ-э, етти-саккизда бу босмахонада бўлиши керак. Тез-лаштирайлик.

– Айтгандай, манови саволингиз тўғри келмайди: чет элга кетаётганлар ҳақидагиси. Ахир бу сиёсат-ку! Шахсан мен ўзимдан соқит қиламан. Очиғи, ака, идорадагилар ҳам ўзидан қочириш учун менга топширишади. Шунинг учун мумкин бўлмаган масалаларга ёпишмайлик.

Ишга эндигина келган ходим хонада бош кийимини ечмай ўтирган экан, кадрлар бўлимининг бошлиғи – опа кириб келди:

– Сиз нима учун телпагингизни ечмай ўтирибсиз? Бундай ўтириш мумкин эмас.

– Сал маза йўқ, шамоллаганман.

– Мазангиз бўлмаса, бюллетень очтиринг. Лекин телпакни ечиб ўтиринг. Яхши эмас. Вазифалар тақсимоти, деган пунктда қўл қўйгансиз.

Ҳалиги ходимники ҳам тутиб қолди:

– Мана шу телпагимни ечмайман. Вазифалар тақсимотида телпакни ечиш-ечмаслик ҳақида ҳеч нима дейилмаган.

– Дейилган, умумий қилиб ёзилган, яъни "ходим ички тартиб-интизомга риоя этиши, бошқаларни ҳурмат қилиши керак", дейилган. Опкелайми, опкелайми?

– Ие, бу дегани, Ҳоди калласидан шамоллаб, ўлиб қолсин, деганими-а? А? Ўша вазифалар тақсимотида "нафас олсин", дейилганми? "Киприк қоқиши мумкин" дейилганми? Гапиринг, опа.

– Менга қонунчилик қилманг. Юринг, бошлиқ олдига!

Оббо! Бу идорада бошқа муаммо йўқ эканми-а? Қаёқдаги гапларни мунозарага айлантиришади! Шунчалар ҳам майдаланиш бўларканми? Ҳақ-ҳуқуқингни шунчалар талашибтортишаркансан, лекин росманасига қойил! Бирови мумкин эмас, дейди, иккинчиси мумкин, дейди. Лекин иккаласи ҳам барибир бир-биридан ҳадиксирайди: "Балки тўғри айтаётгандир – мумкин эмасдир (ёки мумкиндир) ?"

Мумкин-мумкин эмаслигини эса бошлиқ айтади шекилли? Яъни "катталар билади". Лекин ўша катталарнинг ақли етмайдиган гап-сўзлар учраб туради. Айрим масалаларга, аниқроғи, иккиланадиган муаммоларга уларнинг тиши ўтмайди. Катталарнинг ҳам катталари бор. Катта-катта "мумкин эмас"ларни ўшалардан сўраш кераг-ов?!

Директор мактабда ўқувчиларнинг машҳур шоир ёки ёзувчи билан учрашувини ўтказиш учун туман халқ таълими бўлими бошлиғига мурожаат қилади: мумкинми? Аслида, шусиз ҳам бу тадбирни уюштирса бўлади. Лекин катталар бохабар бўлгани яхши-да! Учрашув ҳақида кейин эшитиб қолиб, хафа бўлса-чи? Туманимизга, бунинг устига мактабга шундоқ катта шоир келса-ю, мудир билмаса, бу қандай гап? Ахир бунақа учрашувни мактаб директори эмас, мудир, хатто ҳоким ўринбосари очиши, кечирасиз, тантанали равишда очиши мумкин, йўқ, керак-ку!

Туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари ҳокимнинг ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи ўринбосаридан сўрайди. Ўринбосар бу ҳақда ҳокимга тиржайиб, эҳтиёткорлик билан айтиши ҳам мумкин. Гапининг бошида шунчаки, сўз орасида бу ҳақда сўрагандай бўлади. Агар ҳоким бобо рад қилса, "тўғри айтасиз, эҳтиёт шарт" дейди. Мабодо маъқулласа, "ташаббус бор бўлсин". Бу ёқда шоир оғамиз чой ҳўплаб уйида кутиб ўтирибди (юқоридагига монанд мисолни "Заковат" телебошловчисидан сўрай қолинг).

Қизиқ, айримларимизнинг мустақил ишлай билмаслигимизга "мумкин эмас"лар сабабчими ёхуд ўзимизнинг шундай дейишимизмикан? Ўзимизни олиб қочсаг-у, фалон-писмадонга юклаб қўяверсак. Уям бўш келмасин, кимнидир қидириб қолсин. "Мумкин эмас" сўзи ҳадикни шунчалар қон-қонимизга сингдириб қўйдими? Бундоқ олиб қарасанг, ҳеч қандай хавф-хатари йўқ. Лекин барибир бировларни чўчитиб қўяди.

– Тўхта, – дейди пичирлаб. – Мумкин эмас бу, мумкин эмас!

– Хўп, ким айтди?

– Биров айтиши керакми?.. Балки мумкиндир-а? Ке, қўй, тинчгина юрайлик!..

Аввар НАМОЗОВ,
журналист

Сана **Сана**

ҲУРРИЯТ – НАҚАДАР ТОТЛИ СЎЗ...

Шаҳрисабздаги "Темурийлар тарихи" музейини томоша қилар эканмиз, кўзимиз бир гўзал ҳайкалчага тушди. Унинг гўзал боши жуда текис бўлиб, қулоғи нотабиий равишда каттакон, кенг ва очиқ, оғзи эса мўъжазгина ва юмуқ эди. Ҳамроҳимиз – музей директори Набижон Хушвақтовнинг тушунтиришича, бу қадимий зардуштийлик замонига оид ҳайкалчада орийлар шоҳи акс этган. У аждодларимизнинг эътиқодига кўра, шоҳ кам гапириши ва кўпроқ тинглаши лозимлигини, шунинг учун ҳайкалчанинг оғзи кичик ва юмуқ, қулоғи катта ва очиқ қилиб ясалганини сўзлаб берди. Ёдимга Ҳазратимиз Алишер Навоийнинг "Агар огоҳсен сен – шоҳсен сен", деган сатри тушди.

Президент тавсиясига кўра, 1996 йилнинг декабрида "Ҳуррият" мустақил газетасини ташкил этар эканмиз, биз, бир гуруҳ ташкилотчилар, матбуотнинг ана шу эзгу мавқеидан – халқнинг ва ҳокимиятнинг огоҳлик, уйғоқлик, ўз ҳаёти ва фаолияти учун масъулиятни чуқурроқ сезишидан умидвор эдик.

Маълумки, демократия ўзини ўзи бошқариш тизимидир, яъни инсон ўз ҳаётини ўз эрки ва иродасига монанд қураги ва ўз ҳаракати учун масъулиятни ҳам тўла ҳис қилади. Худди шундай халқ ҳам ўз ҳаёт йўлини ўзи эркин танлайди ва бу танлови учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олади. Худди шундагина инсоннинг ва миллатнинг бутун ўзлиги, салоҳияти намоён бўлади, мамлакат қудратли бўлади.

Демократия – инсон ҳуррияти дир. "Ҳуррият" сўзини талаффуз қилганда, эркин бир шаббоданинг "ҳур-ҳур" этиб эсганидай вужуд жимирлайди. "Ҳуррият" газетаси шу йўлда хизмат қилишга даъват этилгандир.

Бугунги "Ҳуррият" газетасининг чиқа бошлаганлигига олти йил тўлган бўлса-да, унинг томирлари 1917 йилда 16 апрелда илк сони Самарқандда чоп этилган "Ҳуррият" газетасига туташиб кетгандир. У гўзал ва жасур "Ҳуррият" газетасининг муҳаррирлари Муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий, мударрис Саид Аҳмад Васлий, мулла Абдурауф Фитрат ҳамда Саид Аҳмад Сиддиқий бўлганлар. Охирги сони 1918 йил 30 апрелда чиққан ўша "Ҳуррият"да Беҳбудийнинг "Ҳақ олинур, берилмас!" деган сатрлари чоп этилган эди. Бугунги "Ҳуррият" жамоаси кимларнинг вориси эканини билади ва ҳар бир сўзини шундан келиб чиқиб сўзлайди, деган ниятимиз ва буюк умидимиз дилимизда барқарордир.

"Ҳуррият" жамоаси ҳақ сўзни айтиш жамиятдаги барқарорликка хизмат қилади, чунки ўзининг заиф томонларини биладиган ва тузатиб борадиган халқ кучли халқдир, деган эътиқодга ишонади. Аксинча, мақтов билан ўзини овутиш, сувдаги ўз аксига термулиб шодланиб турган нилуфар гули сингари ўзига маҳлиёлик миллатни ва халқни заифлаштиришини "Ҳуррият"чи биродарларимиз яхши биладилар.

Қолаверса, дунё яхлитлашаётган, Интернет – жаҳон ахборот тармоғи ҳар бир хонадон эшигини тақиллатаётган, эртами-кеч албатта кириб келадиган бир замонда Ўзбекистон Президенти таъкидлагани сингари: "Фикрга қарши – фикр, жаҳолатга қарши – маърифат" шиори асосида ишлашдан ўзга йўл қолмаган. Турфа фикрларнинг яшашга ҳаққи бордир. Ҳатто қулоқларимиз унча ўрганмаган фикрларнинг яшашга ҳаққи кўпроқдир. Ёлғон фикрни енгиш учун унга қарши рост фикрни айтишдан ўзга восита йўқ. Рост сўз айтилса, ёлғон сўз ўлади. Одамни жисмонан енгиш мумкин, фикрни жисмонан енгиб бўлмайди.

Ўзбекистон давлатининг ва жамиятининг келажаги – бу мамлакатда қанчалар кўп фикрлар айтилаётгани, ақллар чархланаётгани, истеъдодлар очилаётгани, одамлар ўзини таниётгани, онгли қадамлар қўяётганига чамбарчас боғлиқ экани шубҳасиздир.

Яқинлашиб келаётган янги йил ва газетамизнинг 6 йиллик қутлуғ санаси билан барча муштарийларни қутлар эканман, бир нарсани таъкидлашни истайман: қаерда ишламай, қаерда бўлмай, мен ҳам ҳамиша ўзимни "Ҳуррият"чилар сафида ҳис қиламан!

Карим БАҲРИЕВ

Бундан роппа-роса 6 йил бурун Президентимиз ташаббуси билан ижтимоий-сиёсий йўналишдаги ягона мустақил газета – "Ҳуррият" ташкил этилган ва унинг илк сони дунё юзини кўрган эди. Бу ўша пайтда ҳур фикрни баралла айтиш учун имкониятлар янада кенгаяётганидан дарак эди. Ана шу газета бугун ўз ўқувчисига, ўз номига эга бўлди. Биз ва муштарийларимиз учун қутлуғ бўлган ушбу кунлар ҳамда янги йил арафасида газетанинг икки собиқ бош муҳарририга сўз беришни лозим топдик.

ЙИЛНИНГ ҚАДРИ, САЛМОҒИ...

Вақтнинг қадри амалга ошган орзу-ниятлар билан ўлчанади. Касб муносабати билан Президент йўллаган табрик мактуби, 3 июль Фармони ва Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маъруза кўп сонли ҳамкасбларимизнинг, ниҳоят амалга ошган орзу-истаги сифатида 2002 йилнинг қадрини чандон оширди. Разм солиб қаралса, матбуотимизда жонланиш ҳам кўзга ташланмоқда. Лекин... катта бир халқнинг катта матбуоти қачонгача битта-яримта жонланиш билан қаноат ҳосил қилиб яшайди?! "Ношуд", "мудрок", "тажрибасиз", "ихтисослашмаган" сингари "ҳамду сано"ларга қачонгача тоқат қилади?

Ўзбек журналисти олдида турган муҳимдан-муҳим вазифалар ўзи ва касбининг қадр-қимматини кўтариш! Журналисти ва матбуоти нафсониятини ҳимоя қила олмаган халқ ва давлатнинг бошқа ютуқлари ишонарли чиқмайди. "Цензура йўқолди – нима ўзгарди?" мазмунидаги истеҳзо ва пичинглар қулоққа чалинмоқда. Бундай қочиримли савол қўйётган "дўст-биродар"лар хомтама бўлмай қўя қолсинлар, зеро, нуқул юқоридан имдод кутиб қалам тебратишга қўниккан журналист икки-уч ойда оламни чароғон қилиб юборишини кутиш хомхаёл. Давлат раҳбарининг ташаббусларидан руҳланганимиз даражасида қуйидан ташаббусга ташаббус билан жавоб бера билиш пайти етди, ахир!

Ўзбек матбуоти бутун жараённи қалқитиб юборишга қодир журналистга муҳтожлик сезмоқда. Ижодий муҳит "қозони"ни қайнатиб юборадиган, воқеа-ҳодисаларнинг ичидан қувиб юрадиган эмас, ҳамма-ҳаммасидан ўзини юқори кўя олишга қодир шахс-журналист жуда-жуда керак бўлмоқда. Битта... учта... бешта эмас, ўнлаб шундай журналистнинг қадри сезилмоқда. Тоғтоғ муаммолар "ўз" журналистларини интиляш билан қутмоқда...

Ёзувчи билан муҳбир ўртасида бир бўғин бор. "Публицист" дейиладиги уни. Мен назарда тутаётган шахс-журналист мана шу публицистлар орасидан етилса ажаб эмас!..

Жиддий муаммолардан яна бири – матбуотда монополияга чек қўйиш зарурияти. Мавжуд оммавий ахборот воситаларининг жуда кўп қисми давлат тасаррафида фаолият юритмоқда. Нодавлат, мустақил ва хусусий ОАВ нинг салмоғи деярли сезилмайди. Муҳтарам Юртбошимиз устувор йўналиш сифатида белгилаб берганидек, ОАВимизни фуқаровий жамият тамойилларига муносиб ҳолатга келтирган тақдиримиздагина матбуот том маънодаги хилма-хил фикр, турфа қарашлар минбарига айланади. Ана шундагина телеканал телеканалдан, нашр нашрдан фарқланади, ахборот товар сифатида бозорга чиқади, ундан пулини аямайди. 2003 йил ҳамкасбларимиз ва албатта ватандошларимиз учун ана шу маънода қадрли йилга айланишини жуда-жуда истардим!

Бу йил том маънода ҳур бўлган ўнлаб нашрлар пайдо бўлса ажаб эмас. "Ҳуррият" эса ана шундай демократик нашрлар бошида бўлади, деб ишонаман.

Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД,
ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муносабат

Бурч нима? Мажбурият-чи?

Сир эмас, кўпинча тилимизда ушбу икки сўз жуда кўп учрайди. Учраганда ҳам баъзан салмоқсиз, бири-бирисининг ўрнида ишлатилиб кетади. Хўш, аслида ҳам шундайми? Гарчи, бу масалада юридик адабиётларда турли тўхтамлар бўлса-да, ушбу чиқиш орқали дилдаги баъзи фикр-мулоҳазаларни баён этишни жоиз деб топдик.

Сирасини айтганда, бурч ҳам, мажбурият ҳам атама сифатида шахс зиммасига бирор-бир таъқиқлов ёки мажбурлов чораси юкланганини ёхуд бирон нарсани қилишга ёки қилишдан сақланишга мажбурликни билдиради. Бу — ушбу атамаларнинг муштарак жиҳатларини кўрсатади. Айнан шу муштараклик кўпинча мазкур атамалардан "суиистеъмол" қилиш даражасида фойдаланишга олиб келади. Айни вақтда "бурч"нинг ҳам, "мажбурият"нинг ҳам ўзига хос жиҳатлари борки, улар туфайли бу икки сўз бир-биридан андак фарқланади.

Биринчидан (вужудга келиш асосига кўра), бурч, асосан, қонунлардан, шунингдек ахлоқий меъёрлардан, мажбурият эса аксарият шартнома ва битимлардан келиб чиқади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, фуқароларнинг:

— Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асраш;

— Конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш;

— атроф табиий муҳитни асраш;

— қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш;

— Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш бурчлари бор.

Шунингдек, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш, жамоат транспортида ёши улуғларга, ёш болали йўловчиларга, ногиронларга жой бериш — булар ахлоқ нормаларидан келиб чиқувчи бурчлардир. Қарз, ижара, олди-сотди шартномаларидан, ҳадя, ишончнома, мерос қолдириш (яъни битимлар) да эса мажбурият вужудга келади.

Иккинчидан, (узлуксизлигига кўра) бурч шахс туғилганидан то умрининг охирига қадар давом этади, мажбурият эса бир марталик шартноманинг амал қилиш даврига ча кучда бўлади. Масалан, Ватанни ҳимоя қилиш Конституцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Ҳар бир деганда бу ерда ёши, дини ва миллатидан қатъий назар, ҳамма инсонлар назарда тутилади. Омонат сақлаш шартномасига кўра, театр гардеробига кийимлар топширилганда вужудга келадиган мажбурият фақат томоша тугагунига қадар амалда бўлади.

Учинчидан, бурч мутлақ, мажбурият эса нисбий характердадир. Бу дегани бурч ҳар бир фуқарога давлат қонунлари билан ва нормалари билан белгиланган бўлиб, унинг ижросини давлат ва жамоат ҳаммадан – ҳар бир фуқародан талаб қилишга ҳақлидир. Мажбуриятга кўра, шартнома бўйича ҳақдор ҳисобланган тараф фақат ўз қарздори (айрим ҳолларда қарздорлари) дангина ҳуқуқини талаб қилиши мумкин.

Тўртинчидан, бурч ва мажбурият бажарилмаганида юзага келадиган ҳуқуқий оқибатлар, кўриладиган чора-тадбирларнинг турли-туманлигидир. Бурчни бажармаслик фуқарони икки томонлама исканжага олади. Аввало, у давлат томонидан мажбурлов чораларига (жиноий, маъмурий, интизомий) тортилади, қолаверса, халқнинг, жамоанинг тавқи лаънатига учрайди. Шу ерда Ватанни ҳимоя қилиш бурчини келтириш айни муддаодир. Бироқ бундай мажбуриятни бажармаслик енгил оқибатларга олиб келар эканда, деган хулосага келиш ярамайди. Мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳам ўзига хос ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Бунга жавобан шуни айтиш мумкинки, қарздорга нисбатан турли иқтисодий санкциялар, моддий жарималар, маънавий зиённи қоплаш, бузилган ҳуқуқни тиклаш кабилар орқали аввалги ҳуқуқлар тикланади. Бугунги бозор иқтисодиёти, фуқаролик жамияти шароитида бундай механизмларнинг қўлланилиши ҳаммада ва ҳар биримизда шартномаларга нисбатан алоҳида муносабатда бўлишимизни, масъулиятни ҳис қилишимизни билдиради.

Демак, юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, бурч – ахлоқ категорияси, мажбурият юридик категориядир. Шуни айтиш керакки, биз кўпинча ўз ҳуқуқларимизни керагидан ортиқ биламиз, ўзлаштирамиз, аммо бурч ва мажбуриятларимизни "биламиз". Билсак-да, бажармаймиз. Ўзи аслида жуда кўп келишмовчиликлар, қийинчиликлар, тараққиётни орқага тортаётган жиҳатлар ҳам шунда. Сўнгсўз ўрнида биз бир-биримиз олдида, шунингдек, давлат ва жамоат олдида ўзаро ҳуқуқдор ва бурчдорлигимизни айтиб қўймоқчимиз.

Миродил БАРАТОВ

Бонг

ҚОРА ЯЛОҚ

жарима билан аҳволни ўнглаб бўладими?

Сўнгги пайтларда атроф-муҳитнинг тоза ва озода сақланиши мамлакатда, унинг энг чекка жойларида ҳам экологик мувозанатни сақлаш учун жуда катта эътибор берилмоқда. Бу ҳақда ҳукумат қарорлари, нуфузли ҳужжатлар эълон қилинди. Мана шу мақсадда деярли барча туман ва шаҳарларда атроф-муҳитни тоза сақлаш, сув, ҳаво, бошқа ички ресурсларни инсон ҳаётига салбий таъсир этмайдиган ҳолатга келтиришни кўзлаган махсус экологик ташкилотлар ташкил этилди. Улар эса бу соҳада бирмунча ишларни амалга оширсалар ҳам аҳвол ҳамон сезиларли даражада ўзгармаяпти. Бу ҳол, айниқса, саноати ривожланган туман ва шаҳарларда ачинарли аҳволга тушиб қолган.

Ангрен шаҳрига қарашли Нуробод қўрғонига яқин ерда жойлашган Янги Ангрен ГРЭСининг шу кунлардаги фаолиятида буни керагидан ортиқча тарзда кузатиш мумкин. Умуман, Янги Ангрен ГРЭСининг атроф-муҳитни ифлослантиришининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани тўғрисида илгари ҳам бир неча марта матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали танқидий чиқишлар бўлган эди. Афсуски, корхона раҳбарлари булардан тегишли хулоса чиқариб олишмаган кўринадилар.

2002 йилнинг июл ойида Янги Ангрен ГРЭСида кўмир кукунлари ёқилиши оқибатида унинг атрофидаги Оқча, Корахитой, Ялпоқтепа, Тутқишлоқ, Қайирма, Унгут, Оқтепа ва бошқа ўнлаб қишлоқларда атроф-муҳитнинг ҳаддан ташқари бузилиб, фожеавий ҳолатга келтирганлиги қайд этилиб, бу ҳақда маҳалла қўмиталари оқсоқоллари вилоят ва Республика мутасадди ташкилотларига ўз вақтида арз қилишган эди. Шундан сўнг ушбу соҳа бўйича Республика марказидан профессор Суюн Муҳамедов ва етакчи мутахассис Дилоромхон Ғуломовалар Оҳангарон туманига ташриф буюрган, ГРЭС раҳбарлари билан суҳбатлашган, тегишли кишиларга жарима солишган ва натижада бу ҳунук ишнинг олди бироз бўлса ҳам олинган эди.

Бироқ одамларнинг қувончи узоққа бормади. Шу йилнинг ноябр ойи охирги кунлари оҳангаронликлар муттасил қора ялоқ — осмондан ёғилаётган қора қурумларнинг остида қолишди. Боғларга, ҳовлию кўчаларга, ичимлик сувларига ГРЭСнинг улкан мўрисидан кўмир кукунларига аралашган ҳолда куллар ёғила бошлади. Бунинг олдини олиш мақсадида Қорахитой қишлоқ фуқаролар йиғини кенгашининг раиси Шавкат Абдумўминов, "Оҳангарон" ширкат хўжалиги раиси Шунқор Умирзоқов, Агросаноат бирлашмаси касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси Сотиболди Каримовлар Янги Ангрен ГРЭСининг бош директори Абдулла Юнусовнинг хузурига бордилар. Воқеани тушунтирдилар, халқнинг норозилигию одамларга, молларга бу аҳволнинг салбий таъсирини уқтирдилар. Бироқ бош директор уларнинг талабларини қондириш ўрнига "ГРЭСнинг эндиликда кўмир билан ишлашга ўтганлиги ҳамда фильтрлаш ускунасининг бузуқлиги"ни пеш қилишдан нарига ўтмади.

Шундан сўнг одамлар бу ҳақда шикоятлар ёзиб, Тошкент вилоят атроф-муҳитни ҳимоя қилиш қўмитасига бордилар. У ердан қўмитанинг масъул ходими Ўктам Ашуров келиб, Оҳангарон туманидаги тармоқ идораси бошлиғи Мурод Шометов билан яна Абдулла Юнусовнинг ҳузурига бордилар. Бироқ директор яна айтганидан қолмади.

— Улкан мўрилардан чиқаётган кукунларни ушлаб қоладиган фильтрлаш ускунаси бузилган, — деди директор. — Уни авайлаб ишлатмасак, бутунлай ишдан чиқади — бошқа иложимиз йўқ.

Бош директор яна шуни ҳам илова қилдиларки, ноябрнинг охирларида рўй берган сильной ишлар учун бир неча кишиларга жарима солганмиш.

Ўз-ўзидан савол туғилади: жарималар солиш билан атроф-муҳитни тозалаб бўладими? Мен шу ўринда бутун зиммамга олиб, бир неча фактларни келтириб ўтаман.

Ўтган икки йил мобайнида Оҳангарондаги саноат корхоналари чиқарган заҳарли дудлари оқибатида аёллар ўлими бир неча марта ортди, болалар ўлими 12 фоизга, ошқозон-ичак касталиги 8 фоизга ортди. Қон босими кўтарилишидан шикоят қилувчилар сони ҳам кўпайса кўпаймоқдаки, асло камайгани йўқ. Бўқоқ, аёллар бепуштлиги касалликларини-ку, айтмай қўя қолай.

Янги Ангрен ГРЭСи чиқарган заҳарли тутунларнинг таъсирида чорвачиликка ҳам катта зарар етмоқда. "Оҳангарон" ширкат хўжалиги раиси Ш. Умирзоқовнинг айтишига қараганда, қора курумга тўлган яйловлардаги ўтлар билан озиқланган чорва моллари, айниқса, майда моллар орасида сўнгги икки йил ичида бола ташлаш ҳоллари кўпайиб кетган. Ёирик шохли молларда эса ички касалликлар ортиб бориши оқибатида уларнинг нобуд бўлиши тез-тез рўй бериб турибди.

Янги Ангрен ГРЭСидан чиқкан қора кукунларга Оҳангарон цемент комбинати, шифер ишлаб чиқариш заводи, Олмалиқ кимё заводи ҳамда Тоғ-металлургия комбинатининг заҳарли чиқиндилари қўшилиб, одамларга, айниқса, болалар ва чорва молларига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг олдини ким олади? Оҳангаронликлар қора ялоқ кукунлардан қачон қутуладилар-у ГРЭС бош директори А. Юнусов бошқараётган корхона аҳолини заҳарлашдан қачон тўхтайди? Балки бу саволларга Республика Энергетика идораларининг "каттаси" бўлган Эргаш Шоисметов жўяли жавоб берар?

Мўмин ҚАЮМ,
журналист

Бурч

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНИ КИМ

ёки бу касбдан бахт, шон-шараф топиш осонми?

Дейлик, одамлар билан гаввжум бўлган жамоат жойида аллақандай безоринусха кимса сизнинг ёки яқин кишингизнинг таъбини хира қилди. Калтаклади ё ҳақорат қилди. Шундай вазиятларда дастлаб кимдан умид қиласиз? Табиийки, чор атрофга кўз югуртириб, милиция ходимини излайсиз. Агар топа олмасангиз, яқинроқда жойлашган телефон орқали "02" рақамини тера бошлайсиз. Ур-тўполон, жанжал бўлаётган жойда милиция ходими пайдо бўлиши билан шовқин-сурон тинади. Деемак, тўла маънода ички ишлар бўлими ходимини осойишталик посбони деб аташимиз мумкин. Жойларда учрашувлар, суҳбатлар ўтказганимизда ёшлар, айниқса мактаб ўқувчилари "қандай қилиб милицияга ишга ўтиш мумкин", "ягона орзуим милиция ходими бўлиш, нима қилсам у ерга ишга олишлари мумкин", каби саволлар билан мурожаат этишади. Муайян сабабларга кўра, милиция хизматига қабул қилинмаган йигитларнинг баъзилари эса асоссиз равишда "буёғи таниш-билишчилик экан-да",дея ранжийдилар ҳам. Аслида осойишталик посбони ким ўзи? Бу шарафга ким муносиб бўла олади? Жойларда айрим ҳамкасбларимиз шаънига танқидий фикрлар ҳам билдирилиб, оммавий ахборот воситалари, хусусан матбуот орқали танқидий мақолалар эълон қилинмоқда. Эҳтимол, ўша мақолалару шикоят-аризаларнинг ҳаммаси ҳам холис, адолатли эмасдир. Аммо бир нарса аниқки, ўртада биргина кўрс муомала, ўзаро тушунмовчилик юзага келишида, албатта маълум даражада танқид остига олинган ходимнинг ҳам "ҳисса"си бўлади. Кўриниб турибдики, милиция сафига ўтиш илинжида бўлган фуқаро, авваламбор довюрак, жисмонан бақувват бўлиши билан бирга ҳуқуқий жиҳатдан саводхон, маънавий пок, дипломат шахс бўлиши шарт экан.

Термиз туман Ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмаси тезкор вакили, "Жасорат" медали соҳиби Шуҳрат Мустафоқулов ўнлаб маротаба жуда катта микдордаги қорадори олдисотдисини фош этиб, оғуфуруш жиноятчиларнинг пайини қирқишга муваффақ бўлди.

Еки, ана шундай жасур ва савобталаб, милиция шаънига обрў келтираётган яна бир ходимимиз Баҳодир Пардаев ҳақида илиқ фикрлар айтишимиз мумкин. Термиз шаҳар Ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлимининг бошлиғи вазифасида хизмат бурчини шараф билан адо этаётган бу йигит вилоятимиз марказида содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятларни фош этишда ҳамкасбларга ўрнак бўлиб келмоқда. У шу йилнинг 11 январида тунги соат 23:30да ўз уйида номаълум қотиллар томонидан чавақлаб кетилган термизлик Роҳат Бўроновнинг қотилларини жуда қисқа вақт муддатда излаб топди ва уларга қонунда белгиланган жазолар тайинланди. Фидойи милиция ходимларининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари боис, тинч аҳоли, ҳимоясиз фуқаролар қанчалик хафв-хатардан омон қолишади — буни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Б. Пардаевнинг ўз ҳаётини хатарга қўйиб бўлса ҳам кўрсатган жасоратлари туфайли бир неча қутурган қотилларнинг қонли қўлларига кишан солинди. Термизлик А. Егонян, Р. Бўроновларнинг бевақт оламдан ўтишига сабабчи бўлган қотиллар тез фурсатда қўлга олиндилар.

Баъзида йиртқич ҳайвонлар ҳам қилмайдиган шафқатсизликка тарбиясиз инсон боласи бемалол қўл ураверади. Шу йилнинг 25 апрелида Термиз шаҳрида яшовчи 3-синф ўқувчиси бўлган қизалоқ М. ни номаълум шахс кундуз соат 14 ларда дастлаб алдаб, сўнгра қўрқитиб кўпқаватли уйнинг подвалига судраб олиб кириб номусига тегади. Милиция катта лейтенанти Б. Пардаевнинг уддабуронлиги, жонкуярлиги туфайли йиртқич қиёфасига кирган ўша зўравон қўлга олинди. У Карпов бозоридаги поябзал устахонаси этикдўзи, муқаддам икки марта судланган 23 ёшли П. Бобомуродов экан. Энди у панжара ортида кечирадиган умри мобайнида яна бир карра ўзининг тубан, жирканч қилмиши ҳақида яхшилаб ўйлаб кўрса керак.

Б. Пардаев узоқ вақтдан буён тутқич бермай, ўнлаб хонадонларни "тозалаб" келаётган икки нафар ўғри-қаллоб ҳамтовоқларни ҳам тузоққа илинтирди. Бу шаввозлар муқаддам судланган Х. М. ва унинг жиноий шериги А. Д. лар экан. Улар ҳаш-паш дегунча ҳамшаҳарларининг 10 миллион сўмдан зиёд мол-мулкларини ўмаришга улгуришибди.

Қаҳрамон деб аташга муносиб ходимларимиздан яна бири Жарқўрғон туман ички ишлар бўлими ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси таянч пункти профилактика инспектори, милиция капитани Жўра Нурбоевдир. У шу йилнинг 23 июнига ўтар кечаси ўзи хизмат қилаётган Ҳ. Олимжон номли ширкат хўжалиги ҳудудида маҳалла посбони Қаҳрамон Абдукаримов билан хизмат бурчини ўтаётган вақтда ўғирлик жиноятини фош этди. "Москвич-412" русумли авланиб унинг орқасидан пичоқ санчади. Оғир жиноят олишига қарамасдан Ж. Нурбоев ларидан бирини қўлга олиб, туман ички ишлар бўлимига топширади ва кўп қон йўқотган, жисмонан бақувват милиция ходими беҳуш ҳолда йиқилади. Унинг ҳаёти шифокорлар ва ҳамкасб дўстлари ёрдамида сақлаб қолинди ва айни пайтда соғ-саломатлигини тиклаб ҳамкасбларининг орасида шараф билан хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг Фармонига кўра, Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида бир гуруҳ ватандошларимиз сингари Ж. Нурбоев ҳам муносиб тақдирланди. Бугун унинг кўксини "Жасорат" медали безаб турибди.

Алқисса, юқоридаги мисоллардан "қандай одам милиция ходими бўлишга лойиқ", деган ҳақли саволга жавоб топгандаймиз. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биз юқорида мисол қилиб келтирган ҳамкасбларимиз каби жонфидолиги, билими, виждонан қилган хизмати билан шон-шарафга бурканиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ходимлар орасида яхши ният билан ҳамиша ғайра интилувчилар ҳам, "бир амаллаб пенсияга чиқиб олсам бўлгани", деб ўрталикда юрганлар ва афсуски, касбнинг масъулиятини ҳис эта олмай, нафсини устун қўйиб уятга қолаётганлар ҳам бор.

Милиционер бўлиш деганда келишган қадду қоматга ҳарбий либосни кийиб, гердайиб юришни тушунадиган айрим укаларимиз Сариосиё ва Узун, Бўстонлиқнинг тоғли ҳудудларида юртфуруш газандалар билан бўлган жанглида бир неча жасур йигитларимиз қалок бўлганини эшитгач, ҳатто ишга кириш ҳақидаги аризаларини қайтариб ҳам олишди. Демакки, бу соҳада, бу майдонда туриш осон эмас.

Саидмурод ПЎЛАТОВ,
Сурхондарё вилояти ИИБ ўринбосари Милиция подполковниги,
Б. ОЛЛОМУРОД

Матбуот

Яхши ва ёмон журналистика

Бундан хийла вақт муқаддам "Хуррият" газетасида "Матбуот эпидемияси" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Уни кўпчилик қизиқиш билан ўқиб чиққан бўлса, эҳтимол. Муаллиф гарчи ўзи айтмоқчи бўлган фикрлар шарҳида чуқур таҳлилга берилмасада, қизиқ кузатишларни баён этган. Муаллифнинг фикрларига хайрихоҳлик баробарида мақолада кўтарилган муаммо хусусида айрим мулоҳазаларни баён этмоқ истаги туғилди.

Мақолада айтилганидек, "қўзиқориндай кўпайиб кетаётган газеталарнинг ёритмоқчи бўлган мавзулари" чиндан ҳам баъзан ташвишланарли. Лекин асосий гап мавзуда эмас, балки мақсаддадир. Ҳар бир газета олдида муайян мақсад бўлмоғи матбуот ишининг табиий эҳтиёжи ҳисобланади. Бирида сиёсат, бошқасида иқтисодиёт, яна бирида санъат ва қайсидадир адабиёт бош йўналиш бўлади. Бири кўнгилочар мавзуларга урғу берса, бошқаси мулоҳазага чорловчи масалаларни ўртага ташлайди. Газеталар-ку минг ё милён турли бўлсин, лекин уларни бирлаштириб турувчи асос – журналистиканинг вазифаси одамларни ҳаққоний ахборот билан таъминлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, хилмахил фикрлар учун минбар бўлиш экани барчага маълум.

Лекин жамият деганда фақатгина ахборот билан озиқланмайди. Ҳар қандай кўринишдаги ахборотнинг эркин муомалада мавжуд бўлиши жамиятни тараққиёт ўрнига инкироз томон етаклаши ҳам мумкин. Шу боисдан, дунёнинг демократия гуллаб-яшнаган мамлакатларида ҳам диний ё ирқий низолар қўзғовчи, порнография ва зўравонликни тарғиб этувчи, миллий хавфсизликка таҳдид солувчи ахборотни тарқатганлик учун тегишли жазо белгиланади.

Муайян ахборотга чек-чегара белгилашда, табиийки, ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатлари, маънавий қадриятлари ва шу каби ҳоказо омиллар эътиборга олинади. Ғарб давлатлари юксак иқтисодий-сиёсий салоҳиятга эга экани, илғор техник тараққиёт нашидасини сураётгани боис бугун улар белгилаётган меъёрлар жумла-жаҳон учун айни мос ва зарурдек туюлади. Шу жумладан, Европа жамиятидаги ахлоқий либераллик ғояларидан ҳам. Ғарб жамиятининг илғор ютуқлари, инсон учун қулайлик ва эркинликлари, хулласки, ибратли жиҳатлари бисёр. Лекин бениҳоя либераллашув оқибатида Оврупо тамаддуни бугун айрим жиддий ижтимоий муаммоларга рўбарў бўлаётганини ҳам унутмаслик керак. Қолаверса, биз цивилизация борасида негадир Ғарбдан ижобий сифатлар ўрнига салбий жиҳатларни олишга кўпроқ шаҳд билдираётгандекмиз. Оммавий ахборот воситалари борасида ҳам худди шундай ҳол кўзга ташланади. Ғарбнинг Ғарб бўлишида оммавий ахборот воситалари улкан аҳамият касб этганини эътироф этиш керак. Бугунги кунда эркинлик минбари ва тўртинчи ҳокимият сифатида Ғарб оммавий ахборот воситалари ибрат бўлишга арзийди. Лекин бу Ғарбдаги барча оммавий ахборот воситаси бекаму кўст, дегани эмас.

Англиялик таниқли журналист Дэвид Рэндал айтмоқчи "ҳаққоний текширув олиб борадиган американкалик журналист ёнида иккиюзламачиси ҳам бисёр, ҳукумат ёлғонларини дўмбира қилгучи африкалик журналистга қарама-қарши ўлароқ ҳақиқат учун жон фидо қилишга тайёрлари ҳам бор, жиноятчиликка қарши бел боғлаган россиялик журналист ёнида яширин рекламалар ортидан жарақ-жарақ пуллар ишлаётгани ҳам сероб, ғайир ва бемаъни сарлавҳаларга ўч британиялик журналист билан ёнма-ён ҳукумат сирларини фош этувчи уддабуронги қанча".

"Қўзиқориндай кўпаяётган" газеталарнинг аксариятини замонавий журналистика тили билан "сариқ матбот" тоифасига киритсак, адолат мезони бузилмас. Хўш, "сариқ матбуот" яхшими ёки ёмон, унинг бизга кераги борми, йўқми? Талайгина сабабларни четга суриб қўйганимизда ҳам "сариқ матбуот"ни оқлаш учун ҳеч бўлмаганда битта омил топилади: бозор иқтисодиёти шароитида одамлар эътиборини заррача бўлсин жалб эта оладиган жамики воситадан молиявий манфаат изланади. Шу маънода, нафақат "сариқ матбот", балки биз жиддий деб ҳисоблайдиган оммавий ахборот воситасининг деярли ҳаммаси ўз "дўконлари"дан фойда кўзлаши бор ғап. Бизда ҳали ахборот бозори яхши шаклланмаган, ахборотнинг ўзи эса том маънода маҳсулотга айланиб улгурмаган эса-да, секин-аста ҳаммаси рисолага тушмасдан қолмайди.

Ғап жиддий ва олди-қочди оммавий ахборот воситаларига келиб тақалган айни ўринда баъзи мулоҳазаларни қистириб ўтсак. Юқорида номи зикр этилган инглиз ҳамкасбимиз ўзининг "Уддабуррон журналист" китобида матбуотни олди-қочди ёки жиддий, ўнг ёки сўл ва ҳоказо таснифлашга қарши чиқади. Унинг фикрича, дунёда фақат яхши ва ёмон журналистика, бор холос. Кенг микёсда олганда, у ҳақ. Аммо, муаммони бўлакларга бўлганда, жиддий ва олди-қочди журналистика деган қиёсга эҳтиёж сезилади. Хулласи калом, "сариқ матбуот" тушунчаси бизга Ғарбдан кириб келгани бор ғап. Олди-қочди, деди-деди, ур-сур, кўйди-чиқди мавзулар билан тирикчилик қиладиган мазкур матбуот, қайсидир маънода шоу-бизнесга ўхшаб кетади – асосий мақсад пул топиш. Одамзод табиатан миш-мишу фисқ-фасодга ўч, шу боис бундай матбуотнинг бозори чаққон. Тўғри, журналистикага ҳам, жамиятнинг бошқа соҳаларига ҳам асосий баҳони зиёли қатлам беради. Аммо "сариқ матбуот" зиёли қатлам учун чиқарилмайди. Қолаверса, зиёли қатлам сон жиҳатдан ижтимоий аудиториянинг асосий қисмини ташкил этмайди Демак, биз ҳарчанд танқид этганимиз билан "сариқ матбуот"нинг ўқувчиси камайиб қолмайди. Боз устига маънавиятни ҳар хил таъқиқлар билан ҳимоялаш амри маҳол. Негаки, маънавият олтин каби бебаҳо бўлса-да, жонсиз нарса эмас. Маънавият бу жараёндир. Бундан ташқари, ҳаётимизга халқаро компьютер тармоғи – Интернет шитоб билан кириб келаётган бир паллада миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни асраш, ёшларни бемаъни ғоялардан ҳимоялаш каби масалалар янада мураккаблик ичра намоён бўлади.

Шундай шароитда энг самарали йўллардан бири уларга қарама-қарши турадиган, жамият об-ҳавосини, унинг ижтимоий қиёфасини белгилайдиган жиддий оммавий ахборот воситаларини кучайтиришдек туюлади, наздимда. Ғарб давлатларининг ютуғини ҳам ана шунда кўриш мумкин. Уларда жиддий оммавий ахборот воситалари "сариқ матбот"дан кучли. Шу боис "сариқ матбуот" ижтимоий саҳнада биринчи планга чиқмайди.

Шу ўринда бир кузатиш: Ғарб оммавий ахборот воситаларидан муваффақият сирларини ўрганиш борасида бизнинг "сариқ газеталаримиз" жиддий матбуотимиздан ўтиб кетаётгандек. Тажриба ўрганиш масаласида "сариқ матбуотни" айблаш нотўғри. Аммо оммавий ахборот воситалари деган минбардан туриб сўзлаётган ҳар бир одам тарқатаётган хабари нимага хизмат қилиши ҳақида ҳам ўйлаб кўрмоғи айни муддаодир. Аудитория билан юзлашган ахборот ижтимоий кучга айланади. Бу куч бузиши ҳам, тузиши ҳам мумкин.

Фикримизча, бугун "сариқ матбуотимиз"нинг айримларида берилаётган мақолалар маънавий қадриятларимизга тамомила зид экани бор ғап. Камина "ғарбона мавзуларга" тил теккизмаслик керак деган фикрдан буткул йироқ. Негаки, биз билган ва билмаган мавзулар Ғарбда ҳам, Шаркда ҳам бирдек мавжуд. Ғап қандай ахборотни қай йўсинда ва не восита орқали етказиш хусусида. Аминманки, агар "Матбот эпидемияси"да айтиб ўтилган "Эркакларда ҳам бачадон мавжудми?" деган "асар" (бу каби мисолларни нафақат "Хиёбон"да, балки бошқа нашрларда ҳам учратиш мумкин) "Хиёбон"да эмас, тиббиётга оид бирор бир нашрда берилганида, балки ҳамкасбимизда бунчалик "ғазаб" уйғотмасди. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони, бу каби олди-қочди мақолалардан нима наф? Олди-қочди ҳам керак. Лекин у бутун бир халқ маънавиятига зид бўлса, қандай важ-карсон билан уни оқлаш мумкин?

Агар шу ғаплар бирор бир овруполик биродаримизнинг қулоғига етса, нашъа қилиб кулса, эҳтимол. Сабаб — маънавий қадрият тушунчасидаги тафовут. Дейлик, телеэкран орқали эр-хотин ўз ишқий муаммоларини оламга достон айлаши Ғарб мамлакатлари учун оддий ҳол. Томошабин буни ҳеч қийналмай ҳазм қилади. Лекин тасаввур қилинг, бизнинг телевидениемизда ҳам, дейлик, ТНТдаги (Россия) "Окно" каби бир телешоу очилса.

Фахриддин Низом бир мақоласида айни хусусда роса долзарб мисол келтирган эди: бутун бир оила (ўзбек оиласи) дастурхон атрофида телевизор томоша қилаётган маҳал экран жониворда аёлларнинг гигиена мақсадида ишлатиладиган матоҳи реклама қилинса. Буни бизнинг халқимиз қийналмай қабул қила оларми...

Юқорида айтиб ўтилдики, порнография ва зўравонлик тарғиботи жиноятдир. Ғарбда ҳам, Шаркда ҳам. Келинг, шу "порнография" деган сўз одамга малол келмасин, уни оддийгина, ўзбекча қилиб "беҳаёлик" деб қўя қолайлик. Демак, беҳаёлик тарғиботи жиноят саналади. Айни ўринда савол туғилади: Ғарб учун беҳаёлик нимаю биз учун нима? Биз беҳаёлик санайдиган талай омиллар Ғарб жамияти учун меъёрий ҳол экани маълум. Оврупода оммавий ахборот воситалари учун этикавий меъёрлар белгилашда ҳам жамиятдаги мавжуд ижтимоий-ахлоқий мезон асосида иш кўрилган. Шу маънода бизда ҳам миллий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда оммавий ахборот воситаларининг этикавий меъёрларини белгилайдиган ахлоқ кодексига эҳтиёж сезилади. Шунда бизнинг "сариқ матбуот" ҳам қуюшқондан чиқиб кетмайди. (Мисол учун, Буюк Британияда айни тажриба бор. Матбуотни назорат қилиш комиссияси - *Press Complaints Commission* томонидан оммавий ахборот воситалари учун ахлоқ кодекси *Code of Conduct* белгилаб қўйилган)

"Сариқ матбуот" деймиз-у, лекин шу номга даъвогар нашрларимизни баъзан тушуниш мушкул. Негаки, уларда гоҳида халқаро сиёсий мавзулардаги шарҳларни ҳам, иқтисодий ёки шу каби жиддий соҳаларга оид мақолаларни ҳам учратиш мумкин. Дафъатан одам уларни қайси тоифага киритишни билмай қолади: жиддий матбуотми ёки олди-қочди. На одам у ёқлик, на бу ёқлик. Бизнинг жиддий матбуотимиз ўз қиёфасига эга эмаслиги, улардаги бир хиллик монополияси кўп бор танқид остига олинган. Афсуски, "сариқ нашрлар"имиз ҳам юзини тополмай оворадек.

Табиийки, ўқувчини ўз маънавий эҳтиёжларини қондириш учун турли ахборот манбаларига мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум этиб бўлмайди. Бугун газета шахобчаларида олди-қочди нашрларнинг бозори чаққон бўлса, бу маълум маънода бизнинг жиддий матбуот ўқувчилар эътиборини етарли даражада ўзига қарата олмаётганига бир ишорадек. Бу ҳол ҳақиқий журналистман деб қўлига қалам тутган ҳар бир ижодкорни, зиёлиларимизни, борингки, Ватан ва миллатнинг эртаси ҳақида ўйлайдиган жамики зотларни ташвишга солиши турган ғап. Негаки, бугун турли ғоялар, қарашлар ва манфаатлар кураши авж олган бир палла. Турфа ахборот ортида не бир манфаат яширин. Холис ва ҳаққоний ахборот билан бир қаторда сиёсий нотинчлик, диний низо, ахлоқсизлик ва ҳоказо ғайир мақсадларга йўналтирилгани қанча.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов "ғояга қарши фақат ғоя билан курашиш керак" деган фикрни айган эди. Бу адолатли фикр, энг аввало, оммавий ахборот воситалари вакиллари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Негаки, матбуот, радио ва телевидение, Интернет "ғояга қарши ғоя билан курашиш" учун кенг майдондир. Бу майдонда жиловни бировлар қўлига тутқазиб қўйиш ўта салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ.

Фарҳод АРЗИЕВ,
Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси аспиранти

P.S. Ҳурматли ўқувчи баён этилган фикрлар тамоман хусусий экани ва шу сабаб нуқсону густоҳликларга бой бўлиши мумкинлигини эътиборга олади, деган истиҳоламиз бор.



Лайлак қорлар қушчалар каби
Шохингизга қўндилар аста
Бу дам менинг озорли руҳим
Қушча каби ғужғон, ораста...

МММда

ҲУҚУҚИЙ МАВЗУ ТАЛҚИНИ

Миллий матбуот марказида "Адвокат" журнали ҳамда Евросиё жамғармаси билан ҳамкорликда "Журналист. Қонунни билиш ва ҳуқуқий мавзуда ёзиш муаммолари" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз вилоятларида ҳамда пойтахтда яшаб ижод этаётган мавзуга ихтисослашган журналистлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси Х. Дўстмуҳамедов, ҳуқуқшунос-журналист К. Бахриев, Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати раиси муовини Г. Эшонхонова, ММММ раиси А. Каримов, ҳуқуқшунос Ғ. Номозов, ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети ўқитувчиси Ф. Мўминов ва бошқалар ОАВнинг қонуний асослари, ҳуқуқий маърифат, ҳуқуқий журналистиканинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, айбсизлик презумпциясига риоя этиш амалиёти ҳамда матбуот ва суд мустақиллигига оид фикр ва мулоҳазалар билдирдилар.

Учрашув қизғин мунозараларга бой бўлди.

Жамшед TOFAEB

Муҳокама

ВИЛОЯТ МАТБУОТИ ИСТИҚБОЛИ

Тошкент вилояти ҳокимлигида "Вилоятда матбуот ва ахборот тизимининг ҳозирги аҳволи, ривожланишнинг асосий йўналишлари" мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда туман газеталари Бош муҳаррирлари, туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, матбуот ва ахборот бошқармаси мутахассислари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Вилоят ҳокими ўринбосари А. Раҳимбердиев, Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари М. Миролимов, агентлик ОАВ мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази бошлиғи Б. Тошев, ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси Х. Дўстмуҳамедов демократик қадриятлар барқарорлашаётган жамиятимизда матбуотнинг, эркин фикрнинг ўрни ҳақида мулоҳазалар билдирдилар.

Дараклар

АФҒОНИСТОН СУВЕРЕНИТЕТИ

(Иэн Макуильям. Би-би-си)

Афғонистон билан чегарадош бўлган олти мамлакат –

Покистон, Эрон, Хитой, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон ўтган якшанба куни ўз қўшнисининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш мажбурияти акс этган декларацияга имзо чекди.

Бирлашган миллатлар ташкилоти раҳнамолигида Ҳамид Карзай ҳукуматининг бир йиллиги муносабати билан ўтказилган конференция жаҳон ҳамжамиятининг у раҳбарлик қилаётган ҳукуматни қўллаб-қувватлаши намойиши бўлди.

ТУРКМАНИСТОНДА ОММАВИЙ ҚАТАҒОН

(Виктория Родионова, Виталий Волков. "Немис тўлқини")

Туркманистоннинг юқори мансабдаги расмийлари бирма-бир президент Ниёзовга қарши суиқасд қилишда айб-



ланиб, панжара ортига тушиб қоляпти.

Бош прокуратура собиқ парламент раиси ва мажлис депутати Тагандурди Халлиевни суиқасдни уюштирганлар орасида бўлиб қолганликда айбламоқда.

Бош прокуратуранинг маълумотига кўра, Халлиев суиқасддан бир кун олдин жиноятчилар билан учрашган ва уларга маслаҳатлар берган.

Туркманистонда шу тахлит гўёки бўлиб ўтган суиқасд муносабати билан оммавий репрессиялар давом этмоқда.

ҚИРҒИЗИСТОНДА ГЎШТ ЖАНЖАЛИ

(Султан Жумагулов. IWPR)

Қирғизистонда мамлакатга Европадан инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилган гўшт консерваларини ўмариш билан алоқадор жанжал авж олмоқда.

Баъзи мансабдор шахсларнинг иштирокида консерваларнинг катта қисми ўзлаштирилиб, улар аҳолига мўмайгина фойдага сотишга улгурган олибсотарлар қўлига тушиб қолган.

Гўшт консерваларининг ишлатилиш муддати ўтиб кетмаган бўлганида ва улар қорамол куйдиргиси касаллиги билан касалланган моллар гўштидан тайёрлангани ҳақидаги ҳадик бўлмаганида бу ҳақда ҳеч ким хабар топмаслиги ҳам мумкин эди.

Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг сўзларига кўра, мамлакатга инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилган Ирландияда ишлаб чиқарилган 79 тонна консервадан 34 тоннаси ўғирлаб кетилган.

ЕХҲТнинг ХАВОТИРИ

(Washington File)

ЕХҲТнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги бўйича вакили Фраймут Дувенинг шу йил 12 декабр Вена шаҳрида ЕХҲТнинг Доимий кенгашида берган баёнотида таъкидлашича, у Туркманистонда россиялик журналист Леонид Комаровскийнинг қамоққа олинишидан хавотирда.

Шунингдек, унинг сўзларига кўра, ушбу мамлакатда оммавий охборот воситалари мавжуд режимнинг фаолиятига озгина бўлса ҳам шубҳа билан қараётганларга қарши қурол сифатида ишлатилмоқда.

Робита

КАНАДА – МЎЪЖИЗАЛАР ДИЁРИ

XXI асрга янги мустақил давлат сифатида қадам қўйган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг халқаро алоқалари кенгайиб, ўзининг жаҳон сиёсий майдонидаги ўрни ва мавқеи мустаҳкамланиши учун ҳаракат қилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти юксак ривож топган давлатлар билан ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириб бормоқда. Бундай ўзаро манфаатли алоқаларнинг чуқурлашиб боришида Канаданинг ўрни ҳам яққол сезилмоқда. Канада Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 25 ноябрда тан олган эди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 7 апрелида ўрнатилган. Мана бир неча йилдирки, ўриндошлик асосида ташкил этилган элчихоналар давлатларимиз ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Канада ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқалар тобора равнақ топиб бормоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг НАТОга аъзо бўлган давлатлар билан (айниқса, АҚШ, Канада, Германия, Франция, Буюк Британия ва бошқалар) ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий соҳалардаги ҳамкорлиги сезиларли даражада илдиз отиб боряпти. Президент Ислом Каримов Прага саммитида сўзлаган нутқида "Ўзбекистон бундан буён ҳам НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши тузилмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзининг собит йўлига амал қилаверади ҳамда хавфсиз ва барқарор дунёни шакллантириш ишига ўз ҳиссасини қўшаверади", деб таъкидлади. НАТОнинг аъзоси бўлган Канада ва бу сиёсий-ҳарбий ташкилотнинг "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" Дастурига қўшилган Ўзбекистон (1994 йил) ўзининг ҳарбий бўлинмалари билан биргаликда АҚШ, Канада, Туркия ва Германия каби давлатларнинг қуролли кучлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон-Канада илм-фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлиги самараси ўлароқ, ўзбек ёшлари Канаданинг бир қатор олий ўқув юртларида таҳсил олиб қайтмоқдалар. Маълумки, Канада дунёдаги "катта саккизлик" таркибида бўлиб, жаҳон миқёсида тараққий этган етти мамлакатдан биридир. Канаданинг йирик шаҳарларида жаҳон аҳамиятига молик йирик анжуманлар ва музокаралар ўтказилиб келинмоқда. Масалан, мамлакатнинг Галифакс шаҳрида бундан бир неча йил аввал "катта еттилик" (у кезлари шундай номланар эди – Қ. К.) давлатлари раҳбарлари ва Россия Президенти иштирокида саммит бўлиб ўтган эди. Жорий йилда ҳам Канаданинг оромгоҳ шаҳарларидан бири – Кананаскисда "катта саккизлик"ка кирган давлатлар бошлиқларининг олиймақом учрашуви бўлиб ўтди.

Канада мамлакатининг умумий майдони салкам 10 миллион квадрат километр бўлиб, бу дунё миқёсида фақат Россиядан (17 миллион квадрат километр) кейинги иккинчи кўрсаткичдир. Аҳолиси 30 миллион атрофида бўлиб, унинг асосий қисми Канаданинг жанубида яшайди. Мамлакат аҳолисининг 40 фоизи асли келиб чиқишига кўра британияликлар, 27 фоизи французлар ва бошқа европа халқларидан иборат. Туб аҳоли бўлмиш индеецлар Канада аҳолисининг бор-йўғи 2 фоизини ташкил этади. Канадада давлат тили инглиз ва француз тилларидир. Бу мамлакатда давлат бошқарув шакли парламент федерацияси бўлиб, қонун чиқарувчи орган икки палатали парламентдан, яъни Сенат – юқори палата ва жамоа палатаси (қуйи палата) дан иборат.

Канада Буюк Британия ҳамдўстлиги аъзоси бўлиб, рамзий давлат бошлиғи Британия монархи (қиролича Елизавета II) ҳисобланади. Канаданинг генерал-губернатори (бу ҳам рамзий) Адриен Кларксон, бош вазири эса Жан Кретьендир. Канададаги амалдаги қонунларга мувофиқ асосий ҳокимият (ички ва ташқи сиёсий стратегия ҳам) бош вазир қўлида тўпланган.

Канада бундан 135 йил аввал (1867 йил 1 июлда) Буюк Британия мустамлакасидан озод бўлган эди. Ҳар йили 1

июль – Канаданинг мустақилликкa эришган куни сифатида кенг нишонланади. 1982 йили Канада Конституцияси қабул қилинган эди. Бу давргача Канадада Буюк Британиянинг асосий қонунлари амалда бўлиб келган. Канаданинг юксак ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олганлиги тасодифий эмас. Бунинг сабаблари кўп, албатта: қулай жуғрофий макон, бойликларнинг кўплиги, ташқи муҳит барқарорлиги, денгизга чиқишнинг ўта қулайлиги, юксак технология, аҳолининг бошқа Ғарб давлатларига қараганда анча камлиги (30 миллион), муҳожирлик масаласида қаттиқ сиёсат (аниқроғи, хорижий фуқароларнинг Канадада муқим, доимий яшашлари учун бажариш жуда қийин бўлган шартларнинг амал қилиши) ва бошқа омиллар.



Ҳозир ҳам Канада иқтисодиётида кескин ўсиш сурьатлари кузатилмоқда. Бу давлатнинг бугунги мавқеи ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида бўлган ўзгаришлар, олиб борилган сиёсат, иқтисоди ҳамда ижтимоий сиёсат билан ўзаро боғлиқдир. Айнан ўтган асрнинг 90-йилларида мамлакатда ўртача оилавий даромадларнинг барқарорлашувига эришилган эди. Масалан, 1991 йилда ўртача оилавий даромад 57537 доллар (Канада доллари), 1996 йилда 55544 долларни (бу ҳам Канада доллари) ташкил этди. Бугунги кунда Канада умумий аҳолисининг 60-70 фоизи ўртача ҳаёт кечирувчи қатламга мансубдир. Бу эса табиийки, аҳоли турмуш даражасининг юқорилигини кўрсатади.

Канадада аҳолининг ижтимоий ҳимояси учун давлат томонидан кенг имкониятлар яратилган. Тиббий суғурта бўйича мамлакатда давлат модели ҳаракат қилади. Давлат суғуртасининг асосий хусусияти бутун аҳолини амалий томондан қамраб олган бўлиб, кенг кўламда бепул тиббий хизмат кўрсатишга асосланади. Канадада халқ таълими тизими дунёдаги энг тараққий этган тизимлардан биридир. Умумий ўрта таълим давлат томонидан бепул амалга оширилади. Айнан мана шу тизимга (халқ таълими) мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 7 фоизи сарф этилади. Олий таълим шартномага асосланган (пуллик) бўлса-да, АҚШга қараганда анча арзон.

Канада ўз ҳаётида муаммолардан бутунлай холи дея олмаймиз. Хусусан Канада аҳолиси барқарор ҳаётга эришиш билан бирга ўтган асрнинг 90-йилларида бир қатор муаммоларга ҳам дуч келди. Ўша даврда ишсизлик даражасининг юқори бўлиши катта ижтимоий масалалардан бири сифатида Канада ҳукуматини жиддий ташвишга солган эди. Мамлакатда ишсизлик даражаси 1992 йили 11,2 фоиз ҳолатга кўтарилган бўлса, ҳукуматнинг фаол саъй-ҳаракатлари натижасида ишсизлик даражаси 1999 йили 7,6 фоизга туширилди. Ўтган асрнинг 90-йилларида солиқларнинг ўсиб кетиши ҳам асосий муаммолардан бири бўлган эди. Солиқлар, шу жумладан даромад солиғи, турли тўловлар, айтайлик, нафақа фонди, бандлик фондининг ўсиши натижасида аҳоли ўз даромадининг анча қисмини сарфлашга мажбур бўлганди.

Канаданинг ички сиёсий ҳаётида ҳам муаммолар мавжуд эди. У ҳозир ҳам мамлакат умумий тараққиётига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Француз тилида сўзлашувчи аҳоли яшайдиган Квебекдаги воқеалар сепаратистик (айирмачи) гуруҳларнинг фаолияти оқибатида анча оғирлашди. Бугунги кунга келиб сепаратчи кучларнинг қаршилиги пасайган бўлса-да, ҳали Канада ҳукуматига ёхуд мухолифилик ҳаракати тугаганича йўқ. XX асрнинг 90-йилларида Канададаги сиёсий партиялар тизимида муҳим ўзгаришлар юз берди. Мамлакатда бир неча ўн йиллик давомида Либераллар партияси ва Тараққийпарвар – Консерватив партия ҳокимиятни ўзаро алмашган тарзда бошқариб келди. Янги демократик партияси эса жамоа палатасида (парламентнинг қуйи палатаси) 15 фоиздан кўпроқ ўринга эга бўлмаган. 1993 йили ўтказилган сайловлар амалдаги тартибни ўзгартириб юборди, Канаданинг турли ҳудудларида кўппартиявийлик вужудга келди. Сиёсий майдонга иккита ҳудудий партия: Ғарбий Канададаги Исловотчилар партияси ва сепаратистик (айирмачи) кайфиятдаги Квебек блоки чиқди.

Узоқ вақтгача катта мавқега эга бўлган Тараққийпарвар – Консерватив партия ушбу сайловларда (1993 йил) катта мағлубиятга учради. Сайлов натижаларига кўра, Либераллар ғолиб чиқди. Квебек блоки расмий мухолифга айланди. Орадан ўтган давр бу айирмачи блокнинг "парвози" вақтинчалик эканлигини кўрсатди. Ислоҳотчилар партиясининг катта сиёсатга кириб келиши Канада ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди. Чунки бу партия ўз дастурида янги туб ислоҳотлар ўтказиш билан мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашни мўлжаллаган эди. Ушбу дастурга биноан Ғарбий Канадага катта иқтисодий ва сиёсий таъсир ўтказиш, партиянинг парламентдаги мавқеини мустаҳкамлаш, федерал бошқарув ҳокимиятининг парчаланишини чеклаш, ижтимоий дастур асосида солиқларни қисқартириш мақсад қилинган эди. 1997 йили Канадада ўтказилган сайловларда ҳам Ислоҳотчилар партияси муваффақият қозонди, бу ғалаба аввало Парламентдаги ўринга нисбатан таққосланяпти. Кейинги сайловларда (2000) либераллар ўз имкониятларини янада мустаҳкамлашга эришди.

Канада муҳожирлар муаммосида анча қаттиққўл сиёсат олиб борса-да, дунёнинг глобал масаласига айланган ушбу жараёнда ён босиш йўли ҳам сезилмоқда. Масалан, Канадага ҳар йили 200-250 минг атрофида муҳожирлар ва қочоқлар кириб келади. Мамлакатда муҳожирлар масаласи билан шуғулланувчи давлат идораси – Фуқаролик ва муҳожирлик вазирлиги ташкил этилган. 2001 йил 31 октябрда муҳожирлар ва қочоқларни ҳимоя қилиш бўйича қонун қабул қилинди. Албатта, Канада ҳукуматининг бундай йўли дунё миқёсидаги ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишига катта мадад бўлмоқда.

Биз учун энг аҳамиятли бўлган жиҳати Канаданинг ёш мустақил давлатлар билан ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли асосдаги муносабатларини чуқурлаштираётганлигидир. Демак, Ўзбекистонимиз билан Канада ўртасидаги муносабатларнинг бундан-да кенг қулоч ёйиши, аввало халқларимиз манфаатига, қолаверса, жаҳон умумий хонадонининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи

Маънавият

Қуйма иборалар

Тилимизда шундай сўз ва тушунчалар борки, уларни бошқа миллат вакилларига таржима қилиб бўлмайди. Бу ўринда гап фақат луғат ёрдамида сўз маъноларини ўгириш ҳақида эмас, айни пайтда ўша воқеликни англаш учун аввало милий анъаналар ва одатларни ҳис этиш хусусида бормоқда. Қуйида халқимизнинг ана шу анъаналарига бир назар ташламоқчимиз.

Дуо

Эрта тонгда туриб қиладиган биринчи ишимиз нима бўлади? Табиийки, ювиниб, покланиб, худодан тинчлик-омонлик сўраймиз. Уч-тўрт киши тўпланиб қолса, шундай манзаранинг гувоҳи бўласиз: ҳамма бир-бири билан омонлашгач, ёши нисбатан улуғроқ кишига ишора қилишади, у одам кафтларини дуога очиб, эзгу ниятини айтади. Ҳамма "Айтганингиз келсин" деб дуога қўшилади. Биргина мана шу ҳаҳза халқимизнинг табиатига азалдан чин бунёдкорлик, эзгулик хослигини ифодаламайдими?!

Қани айтинг, шу одат дунёнинг яна қайси бурчагида бор? Тўғри, бир-бирини кўрганда турли имо-ишора билан ўзаро омонлик тилаш кўп халқларда намоён бўлади. Лекин вужудида бунёдкорлик, яхшилик, файзу барака руҳи абадий ўрнашган халқимиз маънавияти билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Дуода гап кўп, дейди халқимиз. Унинг қадрини сийму зардан, олтиндан устун қўйишган. Дуо қилаётган инсон ўзи учун эмас, энг яқин одами учун бирор эзгу ишлари ҳақига Яратгандан илтижо қилиб сўрайди. Ҳали амалга ошмаган ишларни ҳам дуода сўрашади.

Қизиқ, халқ оғзаки ижоди дурдоналарини ўрганган олимларимиз эл оғзидаги маталларни, нақлларни, ҳатто қадаҳ тилакларини тадқиқ этишгану нега дуо сўзларни ўрганишмаган? Сабаби аён: дуогўйлар фақат Худога мурожаат қилишган. Мустабид даврнинг талаби эса маълум. Истиқлолга эришиб энди бу ҳақда баралла гапириш имконига эга бўлдик. Дуоларимиз ҳам озодликка чиқди. Ўзбекнинг бугунги дуосига қулоқ тутиб, унинг руҳий оламига баҳо бериш мумкин. **"Эл-юртимиз тинч, Ватанимиз обод бўлсин", "Дарёларимиз сувга тўлсин", "Истиқлолимиз абадий бўлсин", "Юртбошимиз омон бўлсин", "Ҳаётимизни ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин".**

Одамларимизнинг бир-бирларига изҳор қилган дуоларини айтмайсизми?! **"Топганингиз тўйга буюрсин", "Бошингиз тўйдан чиқмасин", "Қўлингиз дард кўрмасин", "Умрингиздан барака топинг", "Бола-чақангизнинг ҳузурини кўринг", "Олганингиз олтин бўлсин", "Умрингиз узоқ бўлсин", "Яхши жойлардан ато қилсин".**

Халқимизда ота-она дуосини олиш юксак шараф саналади. Ота ўз фарзанди, жигаргўшасининг яхши ишларидан рози бўлганда юрак-юракдан дуо қилади. Ота рози — худо рози. Ота дуосини олган фарзанд ҳам эл ичида қанот боғлаб юради. Унинг бу ибрати фарзандларига юқади. Энди айтинг, бунчалик эзгу ниятлар мужассам топган дуолар яна қайси халқда бор?!

Андиша

Айтилган сўз — отилган ўқ, дейишади. Отилган ўқ нишонга бориб теккач, ўз ишини қилади. Уни ортга қайтариб бўлмайди, бинобарин, ўқ келтирган оқибатни ҳам бартараф этиш мушкул. Ўқнинг отилиши зарар келтирадиган бўлса, бу ҳақда олдинроқ ўйлаш, яъни уни отмаслик керак. Сўзни ҳам ножоиз айтиб юборишдан бир одат сақлаб қолиши мумкин: бу — андиша.

Шунинг учун бирор гапни айтиш ёки муайян қадам қўйиш олдидан кейинги оқибатларни ҳаёлан тарози палласига қўйиб кўриш, мулоҳаза юритиш андишали одамларга хос хислат. Андишанинг отини қўрқоқ қўйманг, дейишади. Нақадар андиша билан айтилган бу гап.

Олдига келган нарсани ейиш ҳайвоннинг иши, кўнглига келган гапни айтиш нодоннинг иши. Бу ҳикмат неча асрлар оша синовлардан ўтиб бизгача етиб келган. Ҳа, кўнгилдаги ҳар гапни айтиш — халқимиз табиатига зид одат. Ҳар нарсани бир нарса дема. Қанчалик оддий, лекин пурмаъно сўзлар. Шунинг учун ҳам халқимизда шундай нақл бор: айтилган сўз — қумуш, айтилмаган сўз — олтин. Демак, андиша билан эҳтиёт қилинган сўз кўнгил мулкининг хазинаси бўлиб турадиган экан.

Ҳар қандай андишада халқимизнинг бағрикенглиги намоён бўлади. Одоб сақлаш, бетга чопмаслик, қаноат қилиш хислатлари андишага эшдир. Бир қарашда андиша демократик тамойилларга зиддек кўринади. Аслида ундай эмас. Ҳар бир нарсани оғизга олиб чулдираш, худабехуда валақлаш айнан шарқона демократия табиатига ётдир. Ҳар томонлама мулоҳаза юритиш, шундан сўнг эл-улусга мақбул сўзни ётиғи билан изҳор этиш бизнинг азалий анъаналаримизга, феъ-лимизга мосдир. Шу маънода андиша фақат сукут сақлаш эмас, балки керак пайтда керакли гапни топиб айтиш ҳамдир. Зеро, билган топиб гапиради, билмаган қопиб. Шу мезоннинг ўзиёқ ҳар қандай одамни ажратиб беради.

Андиша — бу шунчаки тортинчоқлик эмас. Бу одат доно халқимизда таркиб топган одобнинг юксак чўққисидир. Андишали бўлиш, қалбнинг туб-тубида етилган фикрни мулоҳаза билан изҳор этиш донишманд инсонларга хос. Шундай халққа мансуб бўлиш ўз-ўзидан бўлмайди.

Фаросат

Инсонлар ўртасидаги муносабатларни, ўзаро ички кечинмаларни моддий кўринишда тасвирлаш мумкин бўлганда эди, унинг ифодаси учун қилдан ҳам нозик торлар керак бўлармиди. Зеро, бундай торнинг ҳар бири минг-минг оҳангларда акс-садо берарди.

Одам боласининг тарбияси, ўсган муҳити, ўтмиши, қувваи ҳофизаси, худо берган табиати билан боғлиқ фаросати жуда кўп омилларга уйғунлашган фазилатдир. Аслида инсонлар феълини мажозан ифода этган "яхши" сўзини "фаросатли" деб тушуниш ҳам мумкин. Ёки бўлмаса "Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди" деган нақл ҳам айнан фаҳм-фаросатли одам ҳақида.

Фаросатли одам ҳамиша халқпарвар бўлади. Зеро, нуқул ўзини ўйлаган худбин шахс фаросатсиздир. Яъни, атрофдаги воқеаларга муносабатда фаросатнинг қай даражада таъминлангани аниқланади. Эл-юрт ишига қайишиш, бошқаларга нафи тегиш орқали маънавий қониқишни ҳис этиш чин ватанпарварнинг, фидойи инсоннинг, демак, одамнинг ишидир. Боболаримиз азалдан фаросатли инсонларнинг донолигини эътироф этиб, бу ҳақда ривоят ва эртаклар айтиб келишган. Соғлом, баркамол авлод учун, комил инсон учун курашаётган эканмиз, бу йўлда фаросатли, оқил фарзандларимиз халқнинг юкини елкасига олишига шубҳа йўқ.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фаросат тушунчаси фақат бир миллатга хос дейиш тўғри бўлмас эди. Зеро, истиқболи бор халқ ҳамиша дунёдаги энг тараққийпарвар эллардан ўзига мақбул хислатларни қабул қилади. Айтмоқчимизки, фаросат бобида ҳам ҳар миллат ўзининг эътиборли ҳиссасини қўшиб келади.

Шуҳрат ЖАББОРОВ

Тақдир

УЧ АЁЛ ҚИСМАТИ

Жамиятимизда аёллар ҳар доим қадрланиб келган. Лекин мени, қолаверса, кўпчиликни бир масала қийнаб келади. Тўғри, ишлаб пул топишнинг айби йўқ. Аммо аёлларнинг мардикорлик қилиши тўғри келармикан? Яқинда "Мардикор аёллар кимлар? Улар нега бу иш билан машғул? Уларнинг қандай ташвишлари бор?" деган саволларга жавоб излаб, "Чорсу"даги мардикор бозорига бордим. Бу ерда уч аёл қисмати билан танишдим.

Улардан бири ўзини таништираркан: Исмим Раъно, Андижонда 1981 йили туғилганман, – дея сўз бошлади кўзида ёш билан.

— 18 ёшимда севган йигитимга турмушга чиқдим. Турмуш қурганимиздан сўнг 4 ой мобайнида яхши яшадик. Кейин "сенинг бўйингда бўлмаяпти, сен туғмайсан" деган писандалар бошланди. Аллоҳга шукр, 5 ой ўтгач, ҳомиладор бўлдим. Бироқ шунда ҳам низолар тўхтамади. Кундалик юмуш билан далага чиқардим. Келганимда сепимдан нарсаларим йўқоларди. Биз қайнонам билан бирга турардик... Хуллас, 10 ой яшаб, 2000 йил октябрда ажрашдик. Ўшанда 6 ойлик ҳомилам бор эди. Кейинчалик бола дунё юзини ҳам кўрди. Унинг исмини Жасурбек деб қўйдим. Яқинда эрим уйланди. Шундан кейин мен ҳеч кимга керак эмаслигимни сездим.

Тақдир мени Тошкентга элтди ва мардикорлик қилиб кун кўряпман. Шу ерда ўз юлдузимни ҳам топдим. Яқинда яна турмуш қураман.

Иккинчи суҳбатдошим Тожикистоннинг Хўжанд шаҳридан келган, 1979 йил туғилган Дилфуза экан. "Мен турмушимдан ҳеч ҳам нолимасдим. Икки ўғлим бор эди. Айнан иккинчи ўғлим туғилгандан кейин менинг турмушим бузила бошлади. Ҳар куни қайнотам менга энчи олиб келмагансан, дея таъна қиларди. Буни эса хўжайинимга сездирмасдим. Охири уйга бориб, отамга ёлвориб бир қўйини олиб келдим. Унга ҳам қаноат қилмади. "Йўқ, сен сигир олиб келишинг керак", деб мени яна уч маротаба отамнинг уйига юборди. Отамга айтганимда: "бир кун қўй сўраса, иккинчи кун сигир, учинчи кунга бориб уй ҳам олиб беришга тўғри келади. Айтганини қилаверсанг, нималар демайди", деб мени тинчлантирди. Бу орада хўжайиним бўлган воқеалардан хабар топди. Қайнотам ўз сўзида туриб олди. "Менинг ўғлим бўлсанг хотининг билан ажрашасан", деб ўғлини карахт ҳолатга тушириб қўйди. Ниҳоят, биз ажрашдик. У ҳам бошини олиб чиқиб кетди. Мен икки ўғлим билан отамникига кетдим ва анчагина вақт ўтгандан кейин уни кўриб қолдим. "Уйланмадингизми?", деган саволимга "уйландим — наша билан арақка", деб жавоб берди.

Ҳозир эса мана 4 яшар ўғлим билан мардикорлик қиляпман", деб ўғлини бағрига босиб кўзидан ёш чиқиб кетди.

Яна бир суҳбатдошимнинг исми Муҳайё экан. "1977 йилда Андижонда туғилганман, – деб дилидаги гапларни айта бошлади у. — Мен ҳам ажрашганман. Сабаби – эрим ишламасди. Қайнонам эса эринг ишламаса, сен ишлаб, оилани боқасан, деди. Шундан оилада уруш-жанжал келиб чиқди. Оқибат биз ажрашиб кетдик. Бир ўғлим бор, 6 яшар. Онамникида. Мен ишлашга Тошкентга келдим. "Отчопар"да кийим тикиб сотдим. Худо уни ҳам кўп кўрди шекилли, "Отчопар" ҳам ёпилди ва мана шу жойда ишлашга мажбур бўлдим...

Мен улардан: "Сизга ҳеч ким халал бермаяптими?", деб сўрадим.

— Мени бир милиционер "дам олиш"га таклиф қилди. "Ҳурматингизни билинг" деб жавоб қилсам, "Сени ҳали турмада чиритиб юбораман", дея дўқ-пўписа қилди.

Нега ўз жойингизда ишлаб қолмадингиз?

— Иш бўлмаса, бори ҳам маоши кам, ўз вақтида бермайди. Шунинг учун биз ўзимизни ўтга ҳам, чўққа ҳам уришга мажбурмиз, — деди улардан бири.

Улардан яна қаерда ётиб-туришаётганини сўрадим.

— Квартирада, ойига 9-10 минг сўм тўлаб турамиз. Топган пулимиз яшашга етиб турибди. Баъзи жойлардан ишлатиб пулини бермай, чиқариб ҳам юборишган, — дейишди.

Ш. ҚАЛАНДАРОВ

Тафаккур

Аёл қанча гўзал бўлса, шу даражада ҳаёли бўлмоғи лозим, негаки, гўзаллиги туфайли бошига келиши мумкин бўлган балолардан уни ҳаёгина асрай олади.

Г. ЛЕССИНГ

Эру хотин турмуш қуришларидан аввалроқ бир-бирларининг ахлоқи, одатлари ва феъл-атворларини тўла ўрганиб чиқмас экан, уларнинг ҳаёти бахтли кечмайди.

О. БАЛЬЗАК

Никоҳсиз яшаш — ахлоқсизликдан келиб чиқади. Ахлоқсиз эркак, ахлоқсиз аёлгина оилавий ҳаётнинг энг лазиз, энг афзал томонларидан воз кечиб, шармандаликка элтувчи йўлга тушиб олади.

Ш. МОНТЕСКЬЕ

Мулоҳаза

Ўзини ҳурмат қилиш нимадан бошланади?

ёки имло қоидалари саводхонлик асоси

Яқинда русийзабон гурухда ўқиётган талабалардан ёзма иш олдим. ШЫШОВА, СЫСОЕВА, КАДЫРГУЛОВА сингари фамилиялардаги "Ы" ҳарфини "И" қилиб ўзгартирсам, талабалар эътироз билдиришди. "Паспортимизда фамилияларимиз "Ы" билан берилган, демак, шундай ёзилиши шарт", дея туриб олишди. "Ўзбек тилининг амалдаги алифбосида "Ы" ҳарфи йўқ, унинг ўрнига ўзбек тилидаги (рус тилида ҳам бор) "И" ҳарфи билан ёзилади, имло қоидаларимизга мувофиқ шундай ёзилиши лозим", десам, "Паспортимизда қандай ёзилган бўлса, шундай ёзилиши шарт", деган фикрни айтишди. Бундай ҳолат ўзбекларда ҳам, бошқа миллат вакилларида ҳам учраб туради.

Ғафурбоевни – Гапирбоев, Боқиевни – Бакиев, Фаттоҳовни – Паттахов, Тоғаевни – Тагаев, Фозиловни – Пазилов деб русча қоидаларга асосланган ҳолда ёзилган паспортларни рўкач қилишиб, паспортда қандай ёзилган бўлса, шундай ёзишни талаб этишади. Ахир, паспорт инсон шахсини тасдиқловчи оддий ҳужжат. Ҳужжат инсон учун хизмат қилади. У инсондан улуғ эмас. Аммо кўпчилик ўзидан – инсондан ҳам қоғозни – ҳужжатни устун қўйишади. Хато ёзилганини билишса ҳам уни тузатиш ҳақида ўйлаб кўришмайди. Вақти келиб ҳужжатни – паспортда йўл қўйилган хатони, яъни исм ёки фамилияни нотўғри ёзишган бўлса, шуни тўғирлаб ёздириб олиш мумкин-ку?!

Зеро, яхши ниятлар билан қўйилган исмлар ёки фамилиялар бузиб, тушунарсиз ёзилгани кўпчиликни ранжитади. Сўзнинг таъсир хусусиятларидан бири шундаки, у аввало кишиларга эстетик завқ бера олади. Бу фикрни исм-фамилияларга ҳам тўлиқ татбиқ қилса бўлади. Чунки исм ҳам ҳусн. У ҳам кишиларга ҳусн бериб туриши, завқ бериши лозим. Ота-боболаримиз, аждодларимиз исм қўйишдан аввал унинг маъносини ҳар томонлама пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб иш тутишган. Фақат ҳужжатлар тўғри, имло қоидаларига мувофиқ тарзда ёзилиши шарт. "Ўзбекистонда яшовчи фуқаролар миллатидан қатъий назар ўз исмини, ота исми ва фамилиясини тарихий-миллий анъаналарга мувофиқ шаклда ёздириш ҳуқуқига эгадирлар. Исмлар, ота исми ва фамилияларни ёзишда ўзбек тилининг ифода ва талаффуз қонуниятларига риоя этилади", деб ёзиб қўйилган "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунининг (1989 йил 21 октябр) 25-моддасида.

Баъзи газеталар ходимлари ҳам имло қоидаларига амал қилишмаётгани кишини ажаблантиради. Ҳадемай янги ўзбек ёзуви – лотин ёзувига асосланган имлога тўлиқ ўтилади. Шу муносабат билан бўлса керак, кўпгина газеталар ҳозирдан баъзи сарлавҳаларни, "шапкаси", номи ва йил саналарини лотин ёзувида ёзишяпти. Бу яхши. Бироқ янги алифбода лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосининг имло луғатида, унинг 56 параграфида: "Тартиб сонлар араб рақами билан берилса, -нчи қўшимчаси ўрнида чизиқча (-) қўйилади", деб ёзилган Масалан:

2002-yil 20-noyabr 60-son каби.

Шунга қарамай, газета чиққан сана, сони ва бошқа рақамларидан сўнг чизиқча (-) қўйилмай ёзилмоқдаки, буни кечириб бўлмайди.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишни жоиз деб билдим. Тошкент давлат чет тиллари педагогика институти Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети деб ўзгартирилганига ҳам ўн йилдан ошди. Ушбу олий даргоҳ ўзининг ўн йиллик (университет бўлганига аслида 50 йилдан ошди) юбилейини шу кунларда кенг нишонлаяпти. Дастлаб шу университет Ўзбек давлат жаҳон тиллари университети деб атала бошланди ва бу олий ўқув юртининг мухрида ҳам акс этган. Ҳозир Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети деб юритилмоқда. Бу жуда тўғридир. Аммо бу йилги талабаларнинг ўқувчилик-талабалик гувоҳномаларида Тошкент давлат жаҳон тиллари университети деб қўлланибди. Фарқ унчалик катта эмас, бироқ гап бир хилликка эришиш ҳақида кетаётир. Ҳамма жойда бир хилда ёзилиши шарт эмасми, ахир?

Демоқчимизки, имло қоидалари тил тараққиётининг маълум бир босқичини назарда тутиб тузилади. Тил ва тил ҳақидаги фан ривожланиши билан имло қоидалари ҳам шунга мос равишда такомиллашиб боради. Биринчи навбатдаги вазифамиз эса қоидалаштирилган ҳодисалар доирасида саводхонликка эришиш. Амалдаги қоидага ҳар қанча эътирозимиз бўлишига қарамай унга риоя қилиб ёзишимиз шарт.

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Маърифат

Исмлар қатидаги ҳикмат

(Давоми. Боши ўтган сонда)

2. Араб тили қоидаларининг бузилиши оқибатида вужудга келган шаклий хатолар

Келинг, Абдурроҳман исмини таҳлил қилиб кўрайлик. Нима учун "Абдураҳмон" эмас, "Абдурроҳман"? Бу исм икки сўздан: "абдун" ("қул") ва "роҳманун" ("раҳмли") сўзларидан таркиб топгандир. Араб тилида "ал" аниқлик артикли бўлиб, сўз маълум-аниқ нарса ҳақида кетганида қўлланилади. Масалан, умуман китоб ҳақида гапирганимизда "китабун" деймиз, аммо маълум бир китоб, айтайлик, Қуръони карим хусусида сўз юритганимизда "ал-китабу" деймиз. Эътибор бераётган бўлсангиз, аниқлик артикли қўлланганда сўз сўнгидаги "н" тушиб қолянти. Парвардигоримиз аниқ зот бўлганлиги учун артиклни қўллаймиз. Шундай қилиб, "Роҳманун" энди "ар-Роҳману"га айланди.

Маълумки, араб ҳарфлари икки гуруҳга – ой ҳарфлари ва қуёш ҳарфларига бўлинади. Ой ҳарфлари билан бошланувчи сўзлар олдида "ал" ўз ҳолича қўлланади, масалан, ал-Бухорий. Лекин артиклдан сўнг қуёш ҳарфи келса, бу ҳарф иккилантириб ўқилади, артиклнинг "л"си эса тушириб қолдирилади. Масалан, ал-Термизий эмас, ат-Термизий.

Мана шу қоидага кўра, "ал-Роҳману" сўзи "ар-Роҳману" ўқилади. Икки сўз қўшилганда ("абдун + ар-Роҳману") бириктирувчи васла ёрдамида "Абдурроҳману" шаклини олади. Энди "Роҳманнинг қули" деган маънони чиқариш, яъни "Роҳман" сўзига нинг қўшимчасини қўшиш учун бу сўзни қаратқич келишигида қўллашимиз зарур. Бунда охирги "у" ҳарфи "и"га айланади: "Абдурроҳмани". Унда нега биз Абдурроҳмани деб чақирмаймиз? Араб тили қоидасига кўра вақф қилинганда (сўзга сўз уланмаганда) охирги қўшимча тушиб қолади. Масалан, Аллоҳу акбар деймиз, аммо биринчи сўзнинг ўзи бўлса "Аллоҳ" деб қўяқоламиз. Охирги изоҳ: фатҳа (забар) "р" билан келганда "о" тарзида ўқилиши боис "Абдуррахман" эмас, "Абдурроҳман" бўлади. Энг тўғриси – мана шу!

Парвардигоримиз аниқ зот бўлганлиги учун унинг исмлари олдидан аниқлик артикли қўлланилиши шарт. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни ёзиб берувчи ходимларимиз озгина меҳнатдан қочмай ой ва қуёш ҳарфларини ажратиб оладилар, деган умиддамиз. Зеро, хатони тўғирилаш савоб ишдир. Келинг, уларга ёрдам тариқасида бир неча исмларнинг ёзилишини кўрсатиб ўтайлик: Абдулқодир, Абдулқаҳҳор, Абдулғофур, Абдулолим, Абдулҳаким, Абдурроҳим, Абдуссомад, Абдунносир...

3. Шаклий-мантиқий хатолар

Маълумки, ҳар бир тилнинг ўзига хос талаффуз меъёрлари бор. Масалан, ўрислар Омонбой исмли биродаримизни "Аманбай" деб чақиришса, бундан хафа бўлмаймиз, буни хато деб ҳисобламаймиз. Аммо Муҳаммадкаримни Маматкарим ёки Маткарим деб чақириш билан қанчалар катта хатога йўл қўяётганимизни биламизми? Аёнки, "Муҳаммад" сўзи арабча сўз бўлиб, "мақтовга лойиқ" деган маънони билдиради. "Мат", "мамат" сўзлари-чи? Қайси тилда бор бу сўзлар? "Омонбой"ни айтишга ўрис ёки немиснинг тили келишмаслиги мумкин. Аммо "Муҳаммад"ни тўғри айтиш ва тўғри ёзиш бизга қийинчилик туғдирмайди-ку?! Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) муборак исмларини чала-бузиб айтиш ул Зоти муборакка нисбатан ҳурматсизлик ҳамдир!

Энди икки хил кўринишда қўлланувчи бир исмни келтираман: Алибой, Аливой. Қайсиниси тўғри? Албатта, биринчиси. Чунки ҳар бир ота-она ўғлининг бой-бадавлат бўлишини орзу қилади. Аммо, менимча, ер юзида бирон ота ёки она топилмаса керакки, ўғлининг ҳаёти-аҳволи вой бўлишини истаса...

4. Соф мантиқий хатолар

Бундай хатолар сўзнинг маъносини тушунмай унинг "чиройи"га учиб танлаш маҳсулидир. Бирон кишига "Ўғлингизнинг умри айрилиқда ўтсин" деб кўринг-чи, камида "Нафасингизни ел олсин", деб оғзингизга уради. Аммо ўзи айрилиқни раво кўрмаган боласига Фурқат – Айрилиқ деб исм қўяди. Ёки Одам исмининг "инсон" сўзи ўрнида қўлланилиши масаласини олиб кўрайлик. Бу шунчалик урф бўлиб кетдики, оғзаки сўзлашувда, ҳатто адабиёт, радио, телевидениеда "одам"ни "инсон"га нисбатан кўпроқ қўлламоқдамиз. Ҳолбуки, Одам дунёдаги илк инсоннинг – бош отамизнинг исмидир.

Хуллас, қатиғ ҳикмат яширинган табаррук истилоҳ – ИСМга эътибор берадиган давримиз келди.

Абдулмухтор МУҲАММАДНОСИР

Нигоҳ

ФАҚАТ ЯРАТИШ КЕРАК

— Шеър ёзаяпман! Шоирликка қизиқаман. Худо хоҳласа, шоир бўламан!

— 30-40 йилдан буён ўқитувчилик қиламан, айни чоғда шеър ёзиб тураман. Назмларимни тўплаб, китоб қилиб чиқарганман!

— Оддий ишчиман, бироқ қалбимдаги туғён шоир бўласан, дея тинчлик бермаяпти. Яқинда эллик ёшга тўламан, шу муносабат билан шеърларимни тўплам ҳолида нашр эттиряпман!...

Мана шундай дил изҳорлари, мулоқотлар кейинги пайтларда деярли барча оммавий ахборот воситаларида, хусусан, радио, телевидениеда жуда кўплаб янграяпти. Улар биринчи-иккинчи синфларда ўқиб, эндигина сўзлар, иборалар, гапларни ёзишга ўрганган болалар, айниқса, қизчалар билан катта синф ўқувчилари, ўрта махсус ҳамда олий таълим масканларининг талабаларию ишчи-деҳқонлар, ҳатто айрим фан докторлари, профессорларни ҳам қамраб оляпти.

Бирданига бу ёмон эмас-ку, ахир, сон, миқдор кўпаяверса, пировардида қандайдир сифатга айланиши мумкин-ку, дея таскин топишингиз эҳтимолдан холи эмас. Айни чоғда орзуга айб йўқ, яхши ният – ёрти мол деган нақлларни эслашга ҳақингиз бор.

Нарсалару ҳодисаларнинг асл моҳиятини чуқур англаб, шунга мувофиқ фаолият кўрсатиш ҳаётнинг барча жабҳаларида, айниқса, бадиий ижодда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Биринчи галда мазкур ҳолат шеъриятга тегишли эканлигини ҳис қилиш учун қуйидаги бандларнинг мағзини чақайлик:

Аждодлар ўтдилар,
ўтади авлод,
Кимда мурод ҳосил,
кимдадир барбод.
Аммо мустақиллик
ўзича келмас,
Азиз юртдошларим,
Ватан муқаддас.

Қаранг-а, буни шеър эмас, дея эътироз билдирсангиз, нега энди айтилган фикрлар тўғри, улар қофиялаштирилган ҳолда муайян ўлчов, вазнга жойлаштирилган, силлиқ ўқилади, ҳатто қийа солиб, қўшиққа айлантиришингиз мумкин, деган жавоб қайтарилиши ҳеч гап эмас. Худди шундай жавоб қуйидаги мисраларга ҳам тегишлидир:

Бир ўлка бор жаҳонда,
саҳни рангин чаманзор,
Зар тупроғин қўмсайди
олам аҳли интизор.
Халқи ширин забонлик,
яратувчи, бинокор,
Баҳор мисли очилган
кўнгли, унга толе ёр,
Елкасидан қуёш нур сочар,
тиниқ осмони.

Афсуски, ҳам шаклан, ҳам мазмунан худди шунга ўхшаш жўн, оддий, фикран тўғри, лекин қалбларни тўлқинлантириб, роҳатбахш маънавий-руҳий наф келтирмайдиган мисралардан ташкил топган шеърлару достонлар бамисоли тўлақонли поэтик асарлар тарзида улуғланмоқда.

Мисол тариқасида қуйидаги қайдномани кўздан кечирайлик: "Абдужаббор Обидовнинг номи назм мухлисларига яхши таниш. Шоирнинг "Шабнамдек пок муҳаббат" шеърий тўплами адабий жамоатчилик тарафидан илиқ кутиб олинди". Майли, шундай бўлсин, деб тасаввур қилайлик, бироқ қандай фазилатларига мувофиқ шундай натижага эришилди? Дастлабки тўпламнинг ўзи биланоқ у шоирлик мартабасига эришибдими? Бу саволга жавоб топиш учун қайдномани ўқишда давом этамиз: "Бир талай туркумлари "Тошкент оқшоми", "Маърифат", "Оила ва жамият", "Ватанпарвар", "Савдогар" газеталарида ёруғлик юзини кўрди".

Борингки, бунисига ҳам хайрихоҳлик билдирайлик, бироқ шеърий туркумларнинг ёруғлик юзини кўриши алоҳида фазилатми? Мазкур саволга асосли жавоб топармиз, деган ниятда ўша қайдноманинг давомини ўқиймиз: "Ва, ниҳоят, иккинчи мажмуа қўлингизда. Бу ижодкор учун иккинчи жиддий имтиҳондир. Ишончимиз комилки, самимий туйғуларга ихлос, табиатнинг нафис кўринишларига орзумандлик руҳида ёзилган бу шеърлар сизни бефарқ қолдирмайди, муҳтарам китобхон".

Бир лаҳза тасаввур қилингки, камина ҳам китобхон сифатида қани ўша "самимий туйғуларга ихлос, табиатнинг нафис кўринишларига орзумандлик руҳи" ўз ифодасини топган асарлар, дея ўша иккинчи китобнинг биринчи шеърини мутолаа қила бошлайман:

Кўз ўнгимда кинолента-
дай,
Айланади, чирма-
шади ўй.
Ер шарининг харита-
сидан,
Озод ватан кўрсатади
бўй.

Бу мисраларда табиатнинг нафис кўринишлари ҳам, унга орзумандлик руҳи ҳам сезилмайди, дея шеърнинг иккинчи бандига ўтамиз:

Ўзбекистон аталмиш Ватан,
Кўз ўнгимда пайдо,
бақамти.
Амриқоми, Олмон, Британ,
Қўл узатди дўстона, танти.

Бу ерда ҳам ваъда қилинган табиат кўринишларидан ҳам, уларга орзумандлик туйғусидан ҳам дарак йўқ-ку, дейишингиз аниқ. Аммо бошқача бўлиши мумкин эмас-ку, ахир, бу ерда Ватан, Ўзбекистон мадҳ этиляпти-ку, дейишингиз мумкин. Бунга эътироз билдирмайлик, бироқ шунчаки мадҳнинг ўзи шеърий шаклда фақат баён этилган, холос. Афсуски, фақат баён ва яна шунчаки баён, аммо қалбларни тўлқинлантириб, уларга жозибали, таъсирчан, сирлию сеҳрли, жонли, тирик тасвир эмас, нуқул ўша баён бўлиб, унда қанчалик тўғри, ҳаққоний фикр, ғоя ифодаланмасин, у ҳеч қачон биз тасвирлаётган поэтик тасвирнинг ўрнини боса олмайди.

Биз ҳақиқатни эътироф этамиз, аммо аксари ҳолларда фақат тилда, асло амалда эмас. Оқибатда ўшандай баёнлардан ташкил топган мисраларга фақат машқ тарзида қараш мумкин. Машқ эса такрорлашга тўғри келяпти, асар яратишгача бўлган тайёргарликлар, тугалланмаган фаолият, яхши ниятнинг ўзи эмас, балки шунчаки ёртиси, ярмидир. Негадир мана шу ҳолатнинг асл моҳиятини англаб, шунга мувофиқлаштириш ниҳоятда қийинчилик билан кечмоқда. Жумладан, "Бухоро" нашриётида 2002 йили ўқувчиларга ҳавола қилинган Моҳичеҳранинг "Соғинч" тўпламчасига филология фанлари доктори, Охунжон Сафарнинг кириш сўзида қуйидагиларни ўқиймиз: "... бу машқлар содда ва самимий, дарду ҳис ила йўғрилган. Тўғри, Моҳичеҳранинг ҳар бир шеърида китобхон кутган зарб, бетакрор ифода кўзга ташланмаслиги мумкин. Шу боис ушбу мўъжаз тўплам Моҳичеҳранинг сиз ва бизга маъқул келади, деб умид қилган бир дастагина машқларидан тузилган".

Қаранг-а, бу ерда машқларни ўз номи билан атаб, баркамол шеърлар тарзида баҳоланаётгани яқол сезилиб туради. Аксинча бўлганида "бу машқлар содда ва самимий, дарду ҳис ила йўғрилган" деб қанчалик мақталмасин, руҳий, маънавий ва роҳатбахш сабоқ берадиган баркамол шеърларга айланмайдику, ахир! "Орзулар қаноти" деган тўплам муаллифининг машқларини адабиётшунос сифатида оқ йўл тилаётган Лола Ўроқова ҳеч қандай изоҳсиз тўлақонли шеърлар тарзида тавсифлайди. Ҳолбуки, мазкур тўплам муаллифи 8-синф ўқувчиси бўлиб, ҳали шеър шунчаки ёзилмаслиги, аслида яратилиш, кашф этилиши тўғрисида етарли билимга эга эмаслиги яққол сезилиб турибди.

Юқорида тилга олинган Моҳичеҳра талаба экан. Уни ҳам, қайд этилган ўқувчини ҳам қоралаш ниятим йўқ. 30-40 йил муаллимлик қилиб ёки бошқа соҳаларда меҳнат қилиш билан бирга шеърлару достонлар, ҳатто роману драмалар ёзиб, уларни бадиий асар сифатида тақдим этаётганларни-чи? Уларни ҳам айбдор деб ёмонлаш тарафдори эмасман. Гап бу ерда кўринишда беозор, зарарсиз бўлиб кўринган, иллатлар ҳақида кетяпти. Тағин қандай иллат экан? У шундан иборат бўлиб, ҳар қандай инсон, у каттами ё кичикми, қайси миллатга мансуб бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар, ҳар бир одам ўзи ният қилган, хоҳлаган ишини, орзусини бемалол амалга оширади, деган иддаодир.

Қаранг-а, бир қарашда яхши экан дейишингиз ҳеч гап эмас. Лекин у биринчидан, ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Ҳатто "яхши ният — ёрти мол" дейишади. Иккинчидан, инсоннинг хоҳиши, орзуси чексиз-чегарасиздир. Ким улуғ бўлишни хоҳламайди? Ҳатто бутун дунёга устун бўлсам, деб ҳам орзу қилиш ҳеч гап эмас, бироқ оламнинг яккаю ягона устуни бор: бу Аллоҳдир, тангри таолодир, холос. Бандаларининг қайси бирига қанчалик қудрат, қандай қобилият, иқтидор ёки истеъдод иньом қилиш, кимнидир оддий, ўрта, зўр, ақлли, кимнидир нотавон, нимжон, яна кимнидир қайси соҳада ишлашга қодир қилиб яратиш ҳам ёлғиз Аллоҳнинг измидадир.

Айниқса, олиму ижодкор, шоиру ёзувчи, санъаткор бўлиш ҳар бир инсоннинг, у кимнинг фарзанди бўлмасин, ўз хоҳиши, нияти, орзусига мувофиқ эмас, фақат Аллоҳ амрига мувофиқ рўёбга чиқади. Албатта, бунинг учун билим, таълим зарур, аммо Тангри таоло ато қилган зўр истеъдод бўлмаса, бу борада ғалаба қозониш асло мумкин эмас.

Буни қарийб етмиш беш йиллик шўро ҳукмронлиги тўла исботлади ва коммунистлар томонидан буюк шоир, улуғ ёзувчи деб кўкларга кўтарилган қаламкашлар, ҳа, шунчаки қаламкашлар юзлаб, минглаб шеъру достонлар ёки романларни дўндириб ташлаб, қанчалик юксак мукофотлар, унвонлар билан тақдирланмасин, улардан қанчаси кейинги ўн бир йиллик мустақиллик давридаёқ унутилиб, олдинги шону шуҳратлари ўз-ўзидан йўқолиб кетди. Аксинча, ҳар хил таъқиқу тазйиқларга гирифтор этилган Қодирийнинг "Ўткан кунлар"и, Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз"и, қатор шеърлари билан уларга ҳамоҳанг бўлган Абдулла Ориповнинг "Тилла балиқча" каби асарлари ўша пайтларда ҳам, ҳозирда ҳам шунчаки тўқиб-бичилган эмас, балки яратилган, кашф этилган сўз санъатининг ҳақиқий намуналари сифатида ҳамон маънавий-руҳий, бадиий завқ-шавқ бахш этмоқда, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Ана шундай асарларни яратилган, кашф этилган деса бўлади. Лекин шуниси борки, яратилгани, кашф этилгани кўзга яққол ташланиб турмайди, уларнинг қудратини қалб билан ҳис қилиш орқали англаш, идрок этиш керак. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун қуйидаги мисраларнинг мағзини чақайлик:

Шундай шамол бўлдики,
Чайқалди сувратдаги
дарахтнинг сояси,
Шундай шамол бўлдики,
ўрнидан кўзголди юрак ҳам,
Бироқ, барибир ифорини
тарқатмади Сўзлар.

Диққат қилинг-а, мазкур сатрлардаги сўзу иборалар тиниш белгилар билан бирлаштирилиб, тугал гап ҳам тузилмагани яққол кўриниб турибди, аммо уларни қалбан ҳис қилиб, обдон чуқур идрок этсангиз, ҳаммаси "Ифода" деган сарлавҳага бежиз бирлаштирилмаганини сезишингиз, идрок этишингиз қийин эмас. Аксинча бўлиши ҳам мумкин эмас. Негаки, дидли, зукко ўқувчилар гап бу ерда бамисоли довулу бўронларга дош бериш билан бирга ҳатто қалбларни ларзага келтирадиган ғоятда кучли сўзлар, ибораларда туғилган ифода махсус изоҳларсиз ҳақиқий сўз санъати, бадиий ижод деган тушунчаларнинг моҳиятини кўз ўнгимизда гавдалантиришини бемалол ўқиб, ҳис қилиб олади.

Бунга яна бир мисол тарзида қуйидаги мисраларни кўздан кечирайлик:

Сен кетган тун...
Лайлак-лайлак қор ёғди.
Урилди бошимга,
юзимга, кўксимга
Қорларнинг залворли қўли.
Сен кетган тун...
Шодлигим ҳам,
Ишончим ҳам,
Паноҳим ҳам,
Қиш бағрига ташлаб мени
Қайгадир кетди.

Бу мисралар ҳам чинакам ҳаётий, таъсирчан бўлиб, қаҳратон қиш, совуқ, ҳатто қор ҳам бахту севинч, фаровонликка, осойишталикка гоҳида зарар етказгандай вазиятни туғдириши қайд этилянти. Шунчаки қайд этилмаяпти, балки лирик қаҳрамонни севгилиси тарк этгани қанчалик оғир эканлиги кўз ўнгимизда гавдаланади. Шунинг учун мазкур сатрлар ундан олдин келтирилган банд каби таъсирчанлиги ва уларнинг шунчаки ёзилмагани, балки яратилганини идрок этган ўқувчилар ютади, асло ютқазмайди, қаётнинг ўшандай оғир вазиятига тушмаслик учун интилиши, ҳатто курашиши мумкин...

Албатта, юқорида келтирилган икки оқ шеър ўзига хос поэтик асар, жонли, тирик назмдай таассурот қолдиряпти.

Биринчиси Баҳром Рўзимуҳаммад, иккинчиси эса Турсун Алига тегишлидир ва уларни мислсиз бадиий кашфиёт дейишдан йиркдамиз. Лекин таъсирчан, ҳаётий, ибратли ҳолатларни гавдалантирган бадиий ижод намуналари деб эътироф этаяпман, шахсан ўзимга худди шундай туюляпти. Ҳар иккаласи, айниқса Баҳром Рўзимуҳаммадда, шунингдек, Турсун Алида ҳам бадиий шеърий кашфиётлар яратишга интилиш сезиляпти. Шу билан бирга уларда, хусусан, Турсун Алида гоҳида яратилган эмас, фақат ёзилгандай ўқиладиган шеърлар ҳам онда-сонда учраб қоляпти. Жумладан, қуйидаги мисраларга диққат қилинг:

Боғ. Унда Мирпўлат
Мирзонинг ҳужраси бор.
Мен унга яқинлашсам
шеъриятнинг сарин
Овозин эшитаман. Ўша
овоз олиб кетар мени
Туркистоннинг ястанган
кенгликларига...

Майли, шундай бўла қолсин, аммо қани ўша сарин шеърияту унинг овози? Турсун Алининг бу шеъридаги фикрлар ёмон эмас, тўғридир, бироқ улар кўз ўнгимизда яққол намоён бўладиган жонли, таъсирчан, сеҳрли поэтик манзара яратишга қаратилган саволга ёрқин, аниқ жавоб топа олмайсиз. Тўғри, бундай ҳолатлар фақат Турсун Алидагина эмас, балки гоҳида ҳассос шоирларда ҳам учраб туради. Албатта, фақат истисно сифатида. Лекин ҳозирги шоирликка даъвогарлардан аксариятида, афсуски, бу ҳол ҳукмронлик қиляпти. Бунинг исботи тарзида уларнинг бир қанча машқларини кўриб ўтганимиз бежиз эмас.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

Орият

СУБУТ ВА СУБУТСИЗЛИК

"Собит", "субутли", "субутсиз" иборалари болалигимданоқ эсимда қолган. Бу сўзларни бирор китобдан ёки луғатдан ўқиб билганим йўқ. Денов тоғлари этагида жойлашган Ўшор қишлоғи одамлари ўз гурунгларида ўтинга, овга, умуман, сафарга бирга борган кишиларнинг яхши томонлари ҳақида гапирсалар, юқорида биз тилга олган сифатларни ишлатардилар: "Ҳа, унинг отаси ҳам шундай субутли, бир сўзли, тайинли, бурдли одам эди-да", дейишарди. Еши улуғроқ қишлоқ ўсмирларини мана шундай хислат соҳибларига қўшиб тоғларга бирор юмуш билан жўнатардилар.

Мен Ўшорда "субутли", "тайинли" сифатлашлари билан тавсифланган кишилар, бу — энг яхши одамлар, сафарларда ҳамроҳи қийналиб қолганда ташлаб кетмайдиган, бир майизни қирқ бўлиб ейишга тайёр, одамларнинг шодлигидан қувониб, ғамларига шерик бўладиган ақлан етук, жисмонан пишиқ тоғликлар эканлигини ўша пайтлардаёқ англаган эдим.

Ҳар бир қишлоқ, маҳалла, гузар, кўча мана шундай кишилари билан тилга тушади, катта юртда ҳурматэътибор қозонади. Таҳлика-ташвишларимизда, тўй-маъракаларимизда мана шундай субутли одамлар бошқош бўладиларки, улар билан ҳар жойда фахрланиб юрамиз.

Демак, ишончли, бошга ташвиш тушган оғир дамларда таянса, суянса бўладиган кишиларга нисбатан собит, субутли сўзлари қўлланиларкан. Демак, субутли одамлар ҳар бир жамоанинг ғурури, фахри экан. Ахир бугун бир гап айтиб, эртага тониб ўтирадиганлардан нима яхшилик кутиш мумкин бўларди?! Бировдан "Сен субутсиз эксансан" деган гапни эшитишдан Худо асрасин. Ўзини ҳурмат қилган одам бундай гапни бамайлихотир қабул қила олмайди: у ҳақоратдай эшитилади, зеро, бу ҳақоратнинг бир кўриниши, худди "бетайин" дегандай. Балки бундан ҳам ёмонроқдир.

Бинобарин, бу иборанинг ўзимизга нисбатан қўлланилишини ҳеч биримиз истамаймиз. Тасаввур қилинг-а... Сиз корхона раҳбарисиз. Фирмангизга янги бир ходимни ишга қабул қилмоқчисиз. Ў аввалги иш жойидан шундай тавсифнома билан келади: "Фалончиев яхши мутахассис, аммо субутсиз, бетайин". Табиийки, сиз бундай кишини ишга қабул қилмайсиз ёки вақтинча синов муддати билан қабул қиласиз, чунки уни ишга қабул қилишда йўл қўйган хатоингиз сизга жуда қимматга тушиши мумкин.

Субутлилик одамийликнинг асосий мезонларидан бири сифатида кишининг ўз сўзида туришида, айтганларига, авваламбор, ўзи амал қилишида кўринади.

Одамнинг қачон юзи ёруғ бўлади? Қачонки, у кишиларни алдамаётган жамоанинг тинч меҳнат жараёнига путур етказган, шу билан юзлаб одамларга билиб-билмай зиён қилган кишини (ҳайъатни) оқлаб, ишини қониқарли топиб бўладими? Бундай кишилар ўз субутсизлиги билан жамиятга қанчадан-қанча моддий ва маънавий зарар келтираётганликларини ўйлаб ҳам кўришмаса керак.

Субутсиз кишиларни яна нокаслар ҳам дейдилар. Нокас шунинг учун ҳам нокаски, уни инсон дейиш қийин, яъни "киши эмас". Бундайлар фақат ўзини ўйлайди ва ўзидан ортмайди. Ватан, эл, дўсту биродар ташвиш-таҳликалари ундан кўп ийроқ туради. Улар билиб-билмай ўз хатти-ҳаракатлари билан шу замин, ватан, эл тараққиётига тўсқинлик қиладилар.

Яқинда вилоят "Садои Сурхон" газетасининг муҳаррири Шароф Каримов бир киши ҳақида мендан сўраб қолди. Мен "унга нафси панд берди", дедим. Муҳаррир Мавлавийнинг бир банд шеърини форсча ўқиб, ўзбекча шарҳлаб берди:

— Жалолиддин Румий "Маснавийсида дейди: "агар нафсим ҳаддидан ошиб, менга бўйсунмай қоладиган бўлса, мен унга тарсаки тортаман".

— Биринчидан, сиз сўраган кишилар Мавлавийни ҳам, Навоийни ҳам, Атторни ҳам ўқимаган бўлади. Иккинчидан, уларнинг аксарияти нафсига эр эмас, унга хотин бўлиб оладилар, — гапни ҳазилга бурдим мен.

Ҳаётда собит одамлар кўпми, озми? Албатта, кўп-да! Мен кўплаб собит одамларга дуч келганман. Уларнинг номларини бу ерда юз бор, минг бор такрорласам ҳам арзийди. Улар денгиз остидаги чиғаноқлар қатида ётган жавоҳирларга ўхшайдилар. Улар ҳеч қачон, ҳеч қаерда ва ҳеч кимга ўзларини кўз-кўз қилмайдилар. Умрларини жимгина, бус-бутунлигича суйган касбларига, бажараётган ҳунларларига, яхши амалларига, танлаган йўлларига, уни гулзор қилишга сарфлаб юрадилар.

Собит, субутли одамлар заминда кўп. Акс ҳолда, уларсиз коинот мувозанати бузилиб, заминдаги ҳаёт тақдири хавф остида қоларди.

Бор бўлинг субутли, собит одамлар! Мен Сизларга таъзим қиламан!

Бозор ИЛЁС ал-АМИН
Термиз шаҳри

Кулги



Қадимда бир инглиз капитани бўлган экан. У онасининг туғилган кунига совға олиш учун дунё кезиб, Ҳиндистонга келиб қолибди. Капитан у ерда илк бор чой ичибди ва жуда машҳур бўлганидан ҳалиги чойдан катта қутида сотиб олиб, уйига қайтибди.

Уйга кириб, катта идишда чой дамлаб қўйибди. Ўзи эса иш билан кўчага чиқаётиб, онасига: "Сизга совға олиб келгандим, бир кўринг", дебди.

Совғасидан мамнун капитан ишларини битириб қайтиб келса, столга пишириқлар ва турли овқатлар билан бирга чой барглари ҳам тортилганини кўрибди. Меҳмонлар чой баргини иштаҳа билан ейишаётганди. Онаси уларга "маза қилиб олаверинглар, бу Ҳиндистондан келтирилган", дея чойни мақтарди. Шунда капитан онасига:

— Чой қани, она? — деса, онаси:

— Уни меҳмонларга тортиқ қилдим, — дебди.

— Шамасини кўряпман, аммо чойи қани? — сўрабди капитан саросима билан.

— Ие, сувини тўкиб ташладим, лекин жуда антиқа таом экан, — дебди онаси. — Қурмағур ҳиндлар нима ейиш кераклигини яхши билишаркан.

Инглиз тилидан Бобур БЕКМУРОДОВ таржимаси

Муносабат

ЖУФТЛИКЛАРНИНГ ҚИЛИҚЛАРИ

"Жуфт бўлсин" — ижро этилган мусиқа, ашула, рақс маъкул тушганда "яна бўлсин" деган маънодаги ибора.

Қизиғи шундаки, бугун миллионлаб инсонлар телевидение қаршисида ўтирганича, маъқул бўлсин, бўлмасин, бир-бирига ўхшаш қўшиқларни эшитиб, "жуфт бўлсин" дейишга мажбур. Зеро, ЎзТВ-1 орқали кўрсатиладиган "Бир жуфт қўшиқ" мусиқий дастури шундай дейишимизга сабаб бўлди.

Мусиқий дастур муаллифларига тасанноки, айнан мусиқий ритми, оҳанги, ижро услуби бир-биридан унча фарқланмайдиган қўшиқлар гулдастасини "Бир жуфт қўшиқ" дея номлаганлар.

Сўнгги пайтда ТВ дастурлари орқали хорижий қўшиқ, клиплар намойиш этилмаётганининг сабаби, ўзимизнинг ёш ижрочилар хориж хонандаларини "чангда қолдириб" кетишганида бўлса, ажабмас.

Зеро, "Бир жуфт қўшиқ" дастуридаги айрим қиликли клиплар хорижникидан унча фарқ қилмайди. Рақс тушаётгандан ҳам кўра, баданини намойиш этаётган ойимтиллолар, айтилаётган қўшиқ матнига ғоят мантиқсиз ишланган қилиқ, йўғ-е клип, тинмай онасига бўлган ҳурматини миллионлаб инсонларга қайта-қайта уктираверадиган қўшиқчиларнинг қийқириғи, машиналарни мақташни урфга айлантирган мусиқали тасвир-клипларни айнан "эгизакнусха" дейиш мумкин. Зеро, улар бари бир жуфт.

Айниқса, сўнгги вақтда онасини мақтамаган хонанда қолмади, ҳисоб. Гўё қўшиқчиларнинг оналари иззатли, эъзозга лойиқ ёки бизда оналар фақат қўшиқчи туғаётгандек.

Тўғри, ТВ ёқмаса кўрмаслик ёки бошқа канални кўриш мумкин. Аммо оила даврасида, ишхонада, бирор жойга борганда ёнингизда кимдир "жуфт қўшиқ" тинглаётган бўлса, сиз ҳам беихтиёр шу нолаларни эшитишга мажбурсиз. Энг асосийси, қўшиқчилару ТВ мусиқий дастур муаллифлари миллионлаб инсонлар вақтини шунчаки беҳуда ўтказмаслик учун ТВ кўриб, "Бир жуфт қўшиқ" эшитадилар, дея ўйлашмасин-да.

Қолаверса, машҳур бастакор Гендель бекорга "Агар мусиқа одамларга вақтни беҳуда ўқазиш, ҳузур-ҳаловат учун хизмат қиладиган бўлса, мен мусиқа ёзмаган бўлардим. Мен мусиқа инсон тарбиясининг энг таъсирчан тури бўлгани учун ҳам композиторликни танлаганман", демаганди.

Умид БЕКМУҲАММАД

Спорт

БЕКБОЛ — ЎЗБЕКЛАР ЎЙИНИ

Дунёда ихтиродан кўпи бўлмаса керак. Кимдир ҳаво билан ҳаракатга келувчи машина яратса, яна кимдир бошқа бир антиқа нарсани ўйлаб топади. Яқинда юртимизда нашр этиладиган спорт газеталарининг бирида янги кашф қилинган спорт тури ҳақида маълумот берилган мақолага кўзим тушиб қолди. Бу спорт турининг ўзига хос қонун-қоидалари билан яқиндан танишиб чиққач, менда ҳам қизиқиш уйғотди ва унинг ихтирочиси, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти катта ўқитувчиси Ҳабибулла Исматуллаев билан суҳбатлашишга шошилдим.



— **Ҳабибулла ака, айтинг-чи, ушбу спорт турига нима учун "Бекбол" деб ном бердингиз?**

— Бу ном "ўзбек" ҳамда инглизча "ball" (тўп) сўзларининг бирикувидан, яъни "ўзбекбол"ни қисқартириш натижасида пайдо бўлди. Бу ўйин футбол, баскетбол, қўл тўпи каби спорт турларининг ўзига хос "қоришмаси" ҳисобланади.

— **Тушунишимча, бекбол ўйнаш вақтида юқоридаги ўйинлар қоидаларига амал қилинади, шундайми?**

— Худди шундай. Бекбол ўйини қоидаларини ўтган йил матбуотда эълон қилдик.

— **Натижа?**

— Натижа ёмон эмас. Кўпгина спорт усталари, мутахассислар (булар орасида Олий ва ўрта мактаб муаммолари институти директори муовини Эдем Азизовичнинг номларини алоҳида тилга олиб ўтишни истардим — Ҳ. И.) ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Бекбол миллий ва ҳаракатли ўйинлар сирасига кирувчи, спортчида аниқ ва тез фикрлаш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилувчи ўйин ҳисобланади.

— **Бу янгилик мутахассислар томонидан қандай кутиб олинди?**

— Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил май ойида қабул қилинган "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Давлат патент идораси томонидан дастлабки патентни (N-SDP 00930) қўлга киритдик.

— **Бу муваффақият билан сизни қутлайман. Энди айтинг-чи, бекболнинг равнақ топиши учун қандай ишларни амалга оширмоқчисизлар?**

— Тўғриси, ҳар қандай янгилик ёки кашфиёт айрим қаршиликларсиз, осонликча пайдо бўлган эмас. Кимлардир йўлингизда ғов бўлиши мумкин ёки бўлмаса, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турувчи ҳомий ташкилот-муассаса топилмайди. Ҳозир айни шу муаммони ижобий ҳал этиш йўлларини излаяпмиз.

— **Балки янги спорт турининг оммалашиб кетишига кўпчилик ташкилотлар шубҳа билан қарашаётгандир?**

— Бу табиий ҳол. Лекин сизни тўла ишонтириб айта олишим мумкинки, ҳеч қайси спорт тури кашф этилгач, жаҳон ареналарини, спорт майдонларини осонликча забт этолмаган. Мана, масалан, футбол бугунги мавқега эришиши учун бир асрга яқин вақт керак бўлди. Ёки ўзимизнинг ўзбек курашини олайлик: бу спорт тури юз йиллар давомида шаклланиб келди. Айтмоқчиманки, бекбол ҳам вақт ўтиши билан такомиллашади. Қачондир ёшларимизнинг севимли ўйинларига айланиб, бу спорт тури бўйича жаҳон кубоги мусобақалари ўтказилади.

— **Ўйлайманки, Юртбошимизнинг яқинда ёшларимизда спортга бўлган қизиқишни янада ошириш борасида билдирган фикр-мулоҳазалари ва бу хусусда янги қабул қилинган Давлат дастуридан оммавий ахборот воситалари орқали хабар топган мутасадди раҳбарлар, хусусий ҳамда давлат ташкилотлари бекболнинг ривожланишида ўз ҳиссаларини қўшадилар.**

— Айтганингиз келсин.

Дадахон БОСИТ суҳбатлашди

Газетанинг навбатдаги сони 31 декабр куни чиқади.

Ўзингни англаб ет!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Амиркул КАРИМОВ

Таҳрир ҳайъати: